Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

Қишлоқ ҳақиқати

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

11 СЕНТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ШАНБА

№ 207 (2.613).

Баҳоси 3 тийин.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР САНЪАТИ БАЙРАМИ

СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «ТОШКЕНТ ОЛТИН КУЗИ» САНЪАТ ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Йилнинг шу фаслини олтин куз деб аташади. Бунда табиатнинг бой кузги бўёқларигина шундай деб аташга сабаб бўлгани йўқ. Шу даврда она ер кишиларни уларнинг меҳнатсевар қўлларини учун, ҳосил тўғрисидаги астойдил меҳрибонлиги ва жонкуярлиги учун бўлиқ олтин бошоқлар, оппоқ очилган олтин чаноқлар, ширин-шакар мевалар билан тақдирлайди. Езги меҳнат ниҳоясига етиб, кузги йиғим-терим бошланишидан дарак берадиган кунларни одамлар қувноқ байрам қўшиқлари билан нишонлаш, бизнинг диёримизда ҳадимдан одат бўлиб қолган. Халқнинг ана шу эзгу одати бу йил Ўзбекистон пойтахтида бутун мамлакатдан созандалар, хонандалар ва раққосларни Бутуниттифоқ санъат фестивалига тўплади.

В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида Россиядек бепоён рус қўши-

(Давоми учинчи бетда).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР КИЛАДИ



ПАХТАЗОРЛАРДА МЕҲНАТ ҒАЙРАТИ ЯНАДА ЖЎШ УРАВЕРСИН!

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ СУРЪАТИ КУН САЙИН ЖАДАЛЛАШИБ БОРЯПТИ. МАВСУМ БОШИДАН БУЁН РЕСПУБЛИКА ХИРМОНИГА 382.384 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРИЛДИ. 9 СЕНТЯБРЬ КУНИ РЕСПУБЛИКА БЎИЧА 66.714 ТОННА ХОМ АШЁ ТАЙЁРЛАНДИ.

Социалистик мусобақада Бухоро ва Хоразм областларининг дала меҳнатчилари пешқадамлик қилмоқдалар. Бу областларда ҳар куни йиллик планнинг 2 процентдан кўпроқ миқдорида пахта тайёрланаётир.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР! Етиштирилган мўл ҳосилни ўз вақтида сифатли йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш шу куннинг энг муҳим ҳамда масъулиятли вазифасидир.

Сурхондарё

Область далаларида механизациялаштирилган терим кўлами тобора кенгаймоқда. Ленин йўли районидаги дала гвардиячилари мусобақасида ўтган куни агрегат бункеридан **28 тонна хом ашё бўшатган Ленин номли совхоз механик-ҳайдовчиси Арабали Дўстмуродов ва 22 тонна пахта терган Будённий номли совхоз механик-ҳайдовчиси Холмўмин Сафаров пешқадамлик қилишаётир.** Арабали Дўстмуродов мавсум бошидан буён 115 тонна, Холмўмин Сафаров эса 102 тонна «оқ олтин» терди.

Шўрчи районидаги Охунбобоев номли колхозда **Ойбаланд Мажидова теримчилар сардори бўляпти.** Ўтган куни у эл хирмонига 210 килограмм аъло сифатли хом ашё тўкди.

Ульянов номли колхозидан **Саломат Сандова,** «Ўзбекистон» совхозидан **Зиёда Сариқулова** сингари теримчилар ҳам фидокорона меҳнат намунасини кўрсатишмоқда.

Бухоро

Қоракўл районидаги **Карл Маркс номли колхоз механизаторлари областда биринчи бўлиб машина теримига киришдилар.** Хўжаликдаги мавжуд 980 гектар пахтазор машина теримига ажратилди.

Ўтган куни **Соли Жўраев, Толмас Авезов ва Раҳим Қиличев** сингари пешқадам механик-ҳайдовчилар «зангори кема»лар бункеридан 7—8 тоннадан хом ашё бўшатишди.

Шофиркон район **маиший хизмат кўрсатиш комбинати ходимлари** терим мавсумида қишлоқ меҳнатчиларига кўпроқ ёрдам беришга қарор қилдилар. Маиший хизмат кўрсатиш ходимларидан ташкил топган махсус комсомолёшлар бригадаси аъзолари Ильич номли совхознинг 3-бўлими далаларидан кунига 5.200—5.300 килограмм пахта териб топширишяпти.

ҚҚАССР

Автоном республика пахтакорларининг социалистик мусобақасида **Тўрткўл райони меҳнаткашлари пешқадамликни мустаҳкам эгаллаб туришибди.** Улар ҳар куни 2 процентдан кўпроқ миқдорда пахта тайёрлашга эришяптилар. Тўрткўлликлар давлатга қариб 9 минг тонна хом ашё топширишди. «Ленин йўли», Димитров номли, «Победа» колхозларининг деҳқонлари энг юқори кўрсаткичларга эришишмоқда.

Андижон

Областда яна бир бригада пахта тайёрлаш йиллик планини уддалади. Комсомол районидаги «Комсомол» совхозида **Солижон Абдуллаев** етакчилик қилаётган бу коллектив шу йил ўзлаштирилган 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 10 центнердан ҳосил кўтардилар. Йиллик план тўрт иш кунида бажарилди. Пахта терими-да **Хабиба Тошматова ва Энахон Абдуллаевалар** барчага ўрнак бўлишмоқда. Уларнинг ҳар бири эл хирмонига 2 тоннадан зиёд хом ашё тўкди.

Ўтган куни область далаларида қарийб 250 минг киши ишлади. Ҳар бир теримчининг кунлик ўртача иш унуми 50 килограммни ташкил этди.

Наманган

Наманган райони пахтакорлари ҳосил йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказяптилар. Район заршуносларининг қабул пунктларига 4.200 тоннадан зиёд «оқ олтин» топширишди. Районда кунлик ўсиш 2 процентдан ортяпти. Ўнлаб бригадалар йиллик планни сентябрь ойидаёқ уддалашга, 2 минг нафардан зиёд теримчи эса мавсумда 8—10 тоннадан пахта теришга қарор қилишди. «Ленинград» колхозидан **Муборак Исмоилова ва Маҳмуда Умарова,** Охунбобоев номли колхозидан **Салтанат Бўтабоева, Салима Юсупова** сингари чевар теримчилар юқори натижаларга эришяптилар.

Шу кунларда Задарё райони дала меҳнатчиларига 8 та агитмашина хизмат кўрсатаётир. Бу агитмашиналарнинг составига «Билим» жамиятининг лекторлари, ҳаваскорлик тўгаракларининг қатнашчилари, медицина ходимлари кирган. Улар пахтакорлар билан бевосита дала шийпонларида учрашиб, лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар, концертлар беришмоқда, медицина хизмати кўрсатишмоқда.

«Гулбог» совхозининг **Сафар Дўскеров ва Шовқул Шахриёров бошлиқ бригадалари Косонсой районида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини уддадади.** Бу коллективлар янги ўзлаштирилган ерларнинг ҳар гектаридан 10 центнердан ҳосил кўтардилар. Пешқадам бригада коллективлари ўзларининг социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, СССР 60 йиллиги шарафига уч йиллик план миқдорида пахта тайёрлаш, ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилишди.

Қашқадарё

Шаҳрисабз районидаги «Ўзбекистон Компартияси XX съезди» колхозидан **Қўшиш Эргашев бригадаси ипак пахта тайёрлаш йиллик планини учдан бир ҳиссага адо этди.** Коллектив бу йил биринчи марта ингичка толали пахта етиштираётир. Шунга қарамай улар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллашмоқда.

Хоразм

Хонқа районидаги **Охунбобоев номли колхоз механизаторлари юбилей йилида 1862 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олишган.** Ҳозир улар область хўжаликлари ўртасида карвонбошилик қилишаётир. 9 сентябрь куни колхозда кунлик ўсиш 3,36 процентни ташкил этди. Хўжалик заршуносларининг мавсум бошидан буён давлатга 1.290 тонна «оқ олтин» топширишга эришди. **Ака-ука Мўмин ва Муҳаммад Аминовлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг заршуносларининг кунига 12 процент миқдорида пахта тайёрлаб,** сафар марросига шитоб билан яқинлашмоқдалар.

Колхоз механизаторлари ҳам ўз агрегатларини далаларга олиб чиқишди. **Холбой Ражабов, Рустам Отажонов, Маҳмуд Худойберганов** сингари дала гвардиячилари бункерлардан ҳар куни 7—9 тоннадан хом ашё бўшатишмоқда.

Фарғона

Қува районидаги Охунбобоев номли колхозидан **ВЛКСМ Марказий Комитети аъзоси Замира Нуралиева етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.** 56 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил кўтарилди. Бригада деҳқонлари социалистик мажбурият ҳисобига ҳар гектар ердан яна 24 центнердан ҳосил териб олишни кўзлашмоқда.

Мавсум бошидан буён 4—4,5 тоннадан «оқ олтин» терган **Жамила Ортиқова, Саноат Тешабоева, Одила Мирзаева** сингари чеварлар мавсумда 10 тоннадан пахта теришга сўз бердилар.

Самарқанд

Механизатор **Олим Тоғаев Пахтачи районидаги Свердлов номли колхозда биринчи бўлиб терим агрегатини далага олиб чиқди.** Ўтган куни у «зангори кема» бункеридан 4 тонна хом ашё бўшатди.

Большевик районидаги **Куйбишев номли колхозидан 15 меҳнат ветерани кекса бўлишига қарамай пахта йиғим-теримида фаол қатнашишга қарор қилди.** Улар икки бригадага бўлиниб, пахтазорларга чиқишди ва ҳар куни 30—35 килограммдан пахта термоқдалар.

Навоий

Хатирчи районидаги К. Маркс номли колхозидан **Тожи Сафаров бригадаси заршуносларининг зарбдорларча меҳнат қилишмоқда.** Улар ҳар куни 7 процентгача пахта тайёрламоқдалар. Бригадада йиллик топшириқ 88 процентга етказилди.

Навоий районидаги «Ленин йўли» колхози теримчилари мусобақасида **Зухра Худойқулова пешқадамлик қилаётир.** У ҳар куни 230—250 килограммдан дурдона терамоқда. Чевар теримчининг мавсум бошидан буён эл хирмонига тўккан пахтаси 3 тоннадан ортди.

Сирдарё

Ильич районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг **Тошболди Абдукаримов бошлиқ бригадасига областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажариши учун атиги икки кун кифоя қилди.** 52 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил кўтарилди.

ГУЛИСТОН, 10 сентябрь. (ЎзТАГ). Ворошилов районидаги СССР 50 йиллиги номли шоликорлик совхозида Сирдарё области шоликорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров очди.

СССР 50 йиллиги номидаги ва «Шодикор» ихтисослаштирилган шоликорлик совхозларининг директорлари Э. К. Кемалов, Б. Маманов, шу шоликорлик хўжаликларининг бригадирлари Ш. А. Аблямитов, А. Юсупов, Т. Давлатбеков, Б. Согинидов ўз нутқларида партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда берган йўл-йўриқларини районларнинг меҳнаткашлари қандай бажараётганликлари тўғрисида, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида қилинган ишлар ҳақида гапирдилар.

Партиянинг иродаси, совет кишиларининг ғайрат-шижоати билан обод қилинган Мирзачўл пахта конинганига эмас, дон етиштирадиган энг катта районлардан бирига ҳам айланиб қолаётганлигини нотиқлар уқтириб ўтишди. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида Мирзачўл меҳнатчилари 164,4 минг тонна дон етиштириб, планни 132,7 процент бажардилар. Областнинг дон комплексида маккажўхори асосий экин ҳисобланади. — Ўтган йили 107,8 минг тонна маккажўхори дони етиштирилди. Бугунги кунгача 125 минг тоннага яқин каҳрабо дон йиғиштириб олинди. Областда шоли етиштиришни кўпайтириш соҳасида катта иш олиб борилмоқда. Бултур колхоз ва совхозлар 5620 гектар ерда 27 минг тоннадан зиёд шоли ҳосили қўтардилар. Шолининг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига эллик центнерга етди. Бу йил шоликорлар ноқулай об-ҳаво шароитлари ва сув тақчиллиги оқибатида бир талай қийинчиликларни енгишларига тўғри келди. Бегона ўтларга қарши курашда кўп куч сарфланди. Мана шуларнинг ҳаммасига қарамай, шолиполяларда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини тўла-тўкис таъминлайдиган мўл ҳосил етиштирилди. Ғаллакорлар шолипояларни парвариш қилиш соҳасидаги ҳамма ишларни юксак агротехника даражасида ўтказиб қўйганликлари сабабли муваффақиятга эришишларига ишончлари комил. Усимликларни етиштиришнинг илғор технологиясини жорий этишга, асосий ишларни механизациялашга алоҳида эътибор берилди. Техника, гербицид, минерал ўғит ва бошқа моддий ҳамда техникавий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришга қилинган сарф-ҳаражатларни қисқартириш соҳасида бир қанча чоралар кўрилди.

Кенгаш қатнашчилари Сирдарё деҳқонлари билан чорвадорлари ўн биринчи беш йилликда ҳал этишлари лозим бўлган вазифаларга кўп эътибор бердилар. Нотиқлар хўжаликлардаги ишларнинг аҳволини атрофлича таҳлил этиб, ҳали ҳам мавжуд бўлган камчиликларни кўрсатиб ўтдилар, уларни тугатишга қаратилган таклифлар киритдилар.

Деҳқончилик маданиятини кўтариш дон етиштиришни кўпайтиришнинг асосий резервидир. Кўпчилик майдонларда далалар инженерлик шоли системаларига мослаб реконструкция қилиниши, қайтадан текисланиши, ариқ ва зовурлар қайта қурилиши зарур. Далаларга сув етказиб беришни яхшилаш учун қўшимча кўчма насос станциялари ўрнатиш лозим.

Областда чорвачиликни ривожлантириш, унинг учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш соҳасида катта имкониятлар борлигини нотиқлар уқтириб ўтишди. Бир қанча хўжаликларда ерлардан маккажўхори етиштириш учунгина эмас, шу билан бирга арпа, рапс, тритикали, жавдар ва перко сингари оралиқ экинларини шоли ўриб олинганидан кейин экиш учун ҳам ерлардан оқилона фойдаланиш тажрибаси орттирилган.

Сирдарё области — пахтачилик комплекс механизациялашган ўлкадир. Унинг кўпгина хўжаликлари машина-механизмлардан моҳирона фойдаланишга эришмоқдалар ва шу йўл билан мўл-кўл «оқ олтин» ҳосили олмоқдалар. Пахта териминнинг юксак суръатини таъминлаш ҳозирги бош вазифадир, —дейишди кенгаш қатнашчилари. Хўжаликларда биринчи дефолиация тугалланди. Ҳозир ғўзалар такрор дориланмоқда. Бу энг муҳим агрономия тадбирининг сифатли ўтказилиши машинада пахта териш фронтини тез кенгайтириш учун шароит яратади. Техникадан, илгор Тошкент технологиясидан кенг фойдаланиш, барча меҳнат ва моддий ресурсларни самарали равишда ишга солиш — олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш калитидир.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари область меҳнатчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб ишлар билан нишонлайдилар, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш йўлидаги умумхалқ курашига салмоқли ҳисса қўшадилар, деб қатъий ишонч изҳор этдилар.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Қ. А. Аҳмедов, Сирдарё область ижроия комитетининг раиси И. Қўчқоров қатнашдилар.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛАДИ

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ

КПСС МОСКВА ШАҲАР КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

МОСКВА, 10 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида ўтказилган Ўзбекистон кунлари қатнашчиларини қабул қилди.

Ўзбекистон вакиллари пойтахтдаги меҳнат коллективларининг КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш борасидаги ютуқларини билан, шаҳар партия ташкилотининг ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, иш самарадорлигини оширш, халқ хўжалиги ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун курашга меҳнаткашларни сафарбар этиш соҳасидаги иши билан таништирилди.

В. В. Гришин таъкидлаганки, пойтахт коммунистлари ва барча меҳнаткашлари Ўзбекистон партия ташкилоти фаолиятининг самарали натижаларини мамнуният билан қайд этиб, республика меҳнаткашларининг коммунистик қурилишдаги муваффақиятларини юксак қадрлайдилар, экономика ва маданиятни ривожлантиришда уларга янгидан-янги ютуқлар тилайдилар.

Суҳбатда мамлакатнинг бош виставкасида Ўзбекистон кунлари, шунингдек бошқа иттифоқдош республикаларнинг кунлари ўтказилганлиги катта ижтимоий-сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Ана шу кунлар социализм ғалабаларининг, улуғ ,мамлакат барча халқлари Коммунистик партия раҳбарлигида эришган ғоят катта муваффақиятларнинг яққол намойиши, совет кишилари бузилмас бирлигининг намойиши бўлди. СССР халқлари дўстлигининг Совет давлати ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган бу байрам меҳнаткашларни ишда янги муваффақиятларга илҳомлантиради, партия ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Ўзбекистон вакиллари ҳам экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш планлари тўғрисида, республика партия ташкилотининг иши ҳақида, СССР Иттифоқининг шоли юбилейига тайёргарлигининг бориши ҳақида сўзлаб бердилар. Улар ишонтириб айтдиларки, серқуёш ўлка меҳнаткашлари беш йиллик иккинчи йили учун қабул қилинган барча мажбуриятларни бажарадилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар.

ЯГОНА ОИЛАДА, ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИКДА

МОСКВА, 10 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири О. Осипов). Ўзбекистон меҳнаткашлари совет халқларининг қардошлик оиласида ёрқин, маънавий бой ҳаёт кечирмоқдалар. Коммунистик бунёдкорликнинг порлоқ йўлидан комил ишонч билан бораётган социалистик миллатларнинг ана шу бирлиги, дўстлиги ва ўзаро ёрдамининг кучи тўғрисида кўпгина ажойиб шеърлар ва қўшиқлар тўқилган. Ўзбек совет поэзиясига бағишланган кеча бўлиб ўтган Союзлар уйининг Колонна залида кеча ана шу шеър ва қўшиқлар янгради. Шеърият кечаси «Ягона оилада, қардошларча дўстликда» шиори остида ўтди. СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида республика кунлари ўтаётганлиги муносабати билан уюштирилган ана шу адабиёт брамида иштирок этиш учун пойтахтдаги меҳнат коллективларининг вакиллари, таниқли шоирлар келишди.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган кечани «Дружба народов» журналининг бош редактори, мамлакат Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари С. А. Баруздин очди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов ўз нутқида Совет Ўзбекистонининг маданияти гуллаб-яшнаганлиги тўғрисида, дунёда биринчи социалистик давлат юбилейини янги салмоқли асарлар билан қутиб олишга интилаётган республика адибларининг вазнфалари ҳақида, уларнинг ютуқлари ва ижодий режалари тўғрисида сўзлаб берди.

Мушоирада Ўзбекистон халқ шоири Зулфия, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, шоирлардан Евгений Евтушенко, Римма Казакова, Владимир Солоухин, Сергей Северцев, Юлия Нейман, Владимир Кострой ва бошқа кўпгина таниқли адиблар иштирок этдилар. Ленин партиясини, СССР халқларининг улуғ бирлигини шарафловчи, совет кишиларининг тинч бунёдкорлик меҳнатини тараннум этувчи шеърлар рус ва ўзбек тилларида янгради. Партиянинг улуғвор режаларини ҳамжиҳатлик билан амалга ошираётган, дадил мақсадларни рўёбга чиқараётган, планетада тинчлик учун ва бутун инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашаётган мамлакат халқларининг ажойиб ишлари шеърий сатрларда ўз ифодасини топди. Авторлар ўқиб берган кўпгина асарлар СССР иттифоқининг олтмиш йиллик юбилейига бағишланган. Бу асарларда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисида, мамлакат олтмиш йил мобайнида босиб ўтган йўл ҳақида, ажойиб эртанги кун тўғрисида гапирилади.

Союзлар уйининг Колонна залида ўтказилган ва Ўзбекистон адиблари ютуқларининг кўрги охирида республика санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

Кечада КПСС Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири В. Ф. Шауро, КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари А. А. Беляев, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. В. Цветков, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретарлари Ю. Н. Верченко, Ю. И. Суровцев, Ўзбекистон ССР делегациясининг аъзолари иштирок этдилар.

ЯНА УЧРАШГУНЧА ХАЙР, ЖОНАЖОН ПОЙТАХТ!

МОСКВА, 10 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири). «Ягона оилада» виставкасидаги Ўзбекистон ССР экспозициясининг фикр-мулоҳазалар китобида совет кишилари, чет эллик меҳмонлар завқ-шавқ билан изҳор этилган ўнлаб ёзувларни қолдирадилар. Бундай ёзувлар кейинги ҳафтада, СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида Ўзбекистон кунлари ўтказилган вақтда айниқса кўп пайдо бўлди. Виставкани кўриш учун келган кишилар республиканинг экспонатлари билан танишибгина қолмай ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва зиёдиларининг вакиллари билан ҳам суҳбатлашиш, унинг ҳаваскор ва профессионал артистларининг концертини кўриш, шу байрам программасига мувофиқ ўтказилган бошқа тадбирларда иштирок этиш имконига ҳам эга бўлдилар.

Бугун пойтахтдаги самимий учрашувларнинг сўнгги куни. Ўзбекистон ССР делегацияси Москванинг Олимпина объектлари бўйлаб экскурсия қилди, Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий ҳаво академиясининг профессор-ўқитувчилари состави билан учрашди. Меҳмонлар жонажон мамлакат узра мусаффо осмонни пухта қўриқлаётган кишиларнинг шонли жанговар анъаналари билан танишдилар. Мамлакатнинг бош виставкасида Совет Иттифоқи қаҳрамонлари, академиянинг раҳбарлари ва тингловчилари Ўзбекистон кунларининг қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Виставкада ва Москванинг бошқа кўпгина районларида бўлиб ўтган учрашувлар, кечалар, суҳбатлар байрамнинг барча қатнашчилари хотирасида умрбод сақланиб қолади. Ўзбекистон вакиллари Москвадан жўнаб кетар эканлар: «Ҳайр, Москва! Яна учрашгунча хайр, жонажон пойтахт!» — деб айтмоқдалар.

Л. И. Брежнев Х. Перес де Куэльярни қабул қилди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари Х. Перес де Куэльярни 9 сентябрь куни Кремлда қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

Л. И. Брежнев СССРнинг асосий ташқи сиёсий ташаббусларига тўхталиб, бу ташаббусларнинг ҳозирги замон энг муҳим проблемаларини ҳал этишга — ядро урушининг олдини олишга, қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва қуролсизланишга қаратилган умумий йўналиши БМТ уставининг тинчликсеварлик мақсадлари ва принципларига мувофиқ эканлигини уқтириб ўтди.

Совет Иттифоқи деб таъкидлади Л. И. Брежнев, баъзи давлатлар ўтказаётган ядро урушига тайёргарлик кўриш, ҳарбий устунликка эришиш ва умуман халқаро ишларда куч ишлатиш сиёсатини принципиал равишда рад этади. Бу сиёсат дунёда кескинлик ошиб, уруш хавфи кучайиб бораётганлигининг энг катта манбаидир.

Х. Перес де Куэльяр Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатига юксак баҳо берди, бу сиёсат халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга доимий равишда хизмат қилиб келаётганлигини таъкидлади. БМТ Бош секретари Совет Иттифоқининг ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида ўз зиммасига мажбурият олганлиги ғоят муҳимлигини, бу эса СССРнинг тинчлик ишига содиқлигидан яққол далолат беришини ҳамда ядровий хавфни камайтиришнинг амалий тадбири эканлигини уқтириб ўтди. Бутун дунёнинг афкор оммаси қуролсизланиш учун қатъият билан курашмоқда, деди у.

Суҳбат давомида БМТнинг фаолиятидаги — халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолишдан иборат бош соҳада унинг куч—ғайратларини активлаштириш жуда зарур эканлиги таъкидланди. Қуролланиш пойгасига чек қўйиш, қуролсизланишнинг реал тадбирларига ўтиш зарурати ҳали ҳеч қачон инсоният олдида ҳозиргидек кўндаланг бўлиб турмаган эди. БМТ бу йўлда амалий натижаларга эришилишига янада актив кўмаклашиши лозим.

Дунёнинг бир қанча районларида, шу жумладан Яқин Шарқда қалтис можаро вазиятлари мавжудлигидан хавотирлик изҳор этилди. Шу муносабат билан Л. И. Брежнев Яқин Шарқ проблемасини барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан Фаластин озодлик ташкилотининг коллектив куч-ғайрат сарфлашлари йўли билан ҳар томонлама ва одилона ҳал этишга интилиш зарурлигини таъкидлади. Аслида бутун дунё Исроилнинг Ливанга, Фаластин озодлик ташкилотига, Суриягa нисбатан қилган жиноий агрессиясини қоралади. Жаҳон афкор оммаси, деб уқтирди у, БМТ хавфсизлик кенгашининг қарорлари ижро этилиб, Исроил агрессорлари ва оккупациячиларининг қўшинлари, оммавий қотиллик қилаётган ва вайронгарчилик келтираётган қўшинлар дарҳол Ливандан чиқартириб юборилишини талаб қилмоқда.

БМТнинг эски ва янги мустамлакачилик барча қолдиқлари ва кўринишларига тугатилиши учун, халқаро иқтисодий муносабатлар одилона ва тенг ҳуқуқли асосда қайта қурилиши учун халқлар олиб бораётган курашга кўмаклашишдаги роли ҳам уқтириб ўтилди.

Л. И. Брежнев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг БМТ устави қоидаларига мувофиқ равишда халқаро хавфсизликни таъминлаш ва давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги куч-ғайратларни Совет Иттифоқи муттасил қўллаб-қувватлаб келаётганлигини таъкидлади.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили О. А. Трояновский ва БМТ Бош секретарининг ўринбосарлари Б. Уркварт, В. А. Устинов ва Д. Кордовес иштирок этдилар.

(ТАСС).

ЧОРВАГА ҲАМ ПАХТАДЕК ЭЪТИБОР

РАҚАМЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНСА...

Ленин номли колхозни Олтинкўл районидагина эмас, балки Андижон областида ҳам салмоқли хўжаликлардан бири дейиш мумкин. Бу хўжаликда кейинги йилларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш муттасил ўсиб бораётганлиги қишини қувонтиради. Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш тарзи ҳам сезиларли даражада яхшиланди.

КПСС XXVI съездн ўн биринчи беш йилликда қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришнинг комплекс программасини белгилаб берди. Озиқ-овқат программасида ҳеч бу соҳадаги вазифаларни бажаришнинг конкрет йўлйўриқларини кўрсатилди.

Тўғри, колхозда ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили план ва топшириқлари ҳамма соҳалар бўйича дуруст кўрсаткичлар билан якунланди. Бироқ чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашда, айниқса, сут сотиб олишни кўпайтиришда анчагина қийинчиликлар борлиги сезилди.

Ўтган йили чорвачиликнинг мустаҳкам ем-хашак базасини яратишга етарли эътибор берилмади. Бу ўз навбатида 1982 йилда маҳсулот етиштиришга салбий таъсир кўрсатди. Натижада сут сотиб олиш камайиб кетди. Мана, колхоз чорвачилигининг 7 ойлик якунларига кўра асосий кўрсаткичлари: умумий қорамоллар бош сони плангдаги 550 та ўрнига 527 та, шу жумладан сигирлар бош сони плангдаги 155 та ўрнига 114 та.

Етти ой давомида колхозда план бўйича 196 тонна сут топшириши керак бўлгани ҳолда 176 тонна сут сотиб олинган. Давлатга 154 тонна ўрнига 124 тонна сут топширилган. Демак, шу муддат ичида 52 тонна сут колхознинг ўз эҳтиёжи учун ишлатилган. Охирги натижа шу бўлиб чиқдики, колхозда сут етиштириш ва тайёрлашнинг камайиб кетиш сабаблари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида муҳокама қилинди.

Мана шунга ҳам бир ойдан ортиқ муддат ўтди. Биз шу орада сут етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш борасида қандай тадбирлар амалга оширилгани билан қизиқдик. Хўжалик раҳбарлари сигирларни сил касаллиги билан зарарланганлигини айтишди. Шунинг натижасида сут сотиб олиш камайиб кетган. Бу сабаб тўғри, лекин бизни бошқа нарса ажаблантирди. Чорвачилик зарбдор фронт бўлиб турган бир вазиятда сотиб сигирлар сил касаллигига қаттиқ чалинган экан, колхоз зоотехниги, ветеринария врачи, қолаверса бошқа мутахассислар қаёққа қарашган экан. Ахир сил касаллиги бир кун ёки бир ойда хўжалик чорвасини шу аҳволга келтириб қўймайди-ку?!

Район партия комитети, район ижроия комитети колхозда сут етиштиришни кўпайтириш учун зарурий чора тадбирларни белгилади ва уни амалга оширишни қатъий контроликка олган. Колхоз райондаги Калинин номли колхоздан 20 та наслли сигир сотиб олди. Аҳолидаги ортиқча сотиб сигирлардан 36 та сотиб олди. Хўжаликда парвариш қилинаётган 76 та зотли гунажинлар алоҳида боқилмоқда. Шу тадбирларнинг эвазига сигирлардан сут сотиб олиш 120 килограммдан 700 килограммга кўпайди. Бу жуда яхши.

Шундай қилиб колхоз чорвадорлари йилнинг саккизинчи ойини анча дуруст якунладилар. Гўшт, тухум, жун етиштириш ва тайёрлаш бўйича белгиланган план топширилар орттириб бажарилди. 8 ой ичида план бўйича 198 тонна сут тайёрланиши керак эди, 199 тонна сотиб олинди. Яъни август ойининг ўзида 23 тонна сут сотиб олинди.

Шундай савол туғилади: хўжалик чорвадорлари агар сут сотиб олишда ўтган август ойи суръатини ушлаб турсалар шу соҳадаги йиллик планни бажара оладиларми? Йўқ! Нега? Негаки, колхозда 1982 йилда 335 тонна сут тайёрланиши керак. Йилнинг саккиз ойи давомида унинг 199 тоннаси сотиб олинди. Қолган тўрт ой ичида 136 тонна сут сотиб олиниши керак. Ҳар ойда 34 тонна, бир кунда эса 1150 килограмма яқин сут тайёрланган тақдирдагина йиллик план бажарилади. Демак, навбатдаги ҳар бир ойда август ойида сотиб олинган сут миқдорини 11 тоннаданга кўпайтириш керак. Шундагина йиллик план бажарилади.

Сут-товар фермаси сил касаллиги туфайли карантинга олинибди. Соғлом моллар колхоз правленияси яқинидаги ўриқзор боғда парвариш қилиняпти. Вақтинчалик сут-товар фермасини колхоз партия ташкилотининг секретари Н. Сотволдиев билан қўздан кечирдик. Партком секретарини ноқулай аҳволда қолганлигини сездик-да ҳеч кимни саволга тутмадик. Иккита соғувчи сигир соғяпти. Ҳатто устида ҳалати ҳам йўқ. Соғин сигирларга қуруқ ўт солинибди. Айни кўк ўт етилиб пишган пайтда силос солиш нимаси бўлди. Молхона ифлос. Палаткага ўхшатиб икки-уч хона ташкил қилиниб, бирига «Лаборатория», иккинчисига «Зоотехник хонаси», учинчисига «Ветврач хонаси» деб ёзиб қўйилган. Лабораторияга қизиқамиз. Бир эски стол устида «Центрафуга» — сут ёғлилигини ўлчовчи аппарат турибди. Занг босиб кетган. Зоотехник хонасида велосипед турибди. Ветврач хонасида шулар ҳам йўқ.

Колхоз зоотехниги Ҳошимжон Ботировни суҳбатга тортдик. Ундан илғор соғувчиларни сўраган эдик, Гавҳар Валиевани айтдию, Қундузхон Хидированинг исм фамилиясини тополмай анча дафтар титкилади. Охири соғувчининг комини молбоқардан сўраб билиб берди. Тўғри, ҳамма соғувчининг тўла исм фамилиясини ёдда сақлаш қийиндир, бироқ иккитагина илғор соғувчини ҳам билмаслик қанақаси бўлди. Зоотехник, ҳаттоки, шу икки илғор соғувчининг ўзларига биркитилган 20 тадан сигирдан 8 ойда қанча сут соғиб олганлигини ҳам айтиб беролмади. Шундай аҳвол билан соғувчилар ўртасида социалистик мусобақани қандай қилиб авж олдириш мумкин.


Сигирлар бош сонини кўпайтириш, наслини яхшилаш, сут соғиб олишнинг эскича усулидан воз кечиб, уни механизациялаштириш, мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш колхоз правлениеси ва партия ташкилоти олдидаги тез орада ҳал қилиниши зарур бўлган масаладир.

Ҳар 100 гектар экиладиган майдон ҳисобига чорва моллари бош сони ва маҳсулоти етиштириш даражаси жиҳатидан колхоз район кўрсаткичидан ҳам орқада. Ҳар 100 гектар майдон ҳисобига район бўйича 15.8 тадан сигир тўғри келган бир шароитда Ленин номли колхозда 11.4 тадан тўғри келади. Маҳсулот етиштириш ҳам худди шундай. Агар район бўйича 85 центнер гўшт, 246 килограмм сут тўғри келса, колхозда бу рақам 70 центнер гўшт, 199 килограмм сутни ташкил қилади.

Лекин шу нарсани айтиш мумкинки, хўжаликда сут етиштиришни кўпайтиришни имконият ва резервларни мавжуд. Фақатгина колхоз раҳбарлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида қатъият кўрсатиб, талабчанлик, ташкилотчилик ва омилкорлик билан сут етиштиришни кескин кўпайтириш партия ва халқ олдидаги муқаддас бурчлари эканлигини унутмасалар бўлгани.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири.

Индустриянинг қишлоқдаги одимлари



В. И. Ленин номли Поп аграр-саноат бирлашмасида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шу ернинг ўзида қайта ишлашга, ёрдамчи корхоналар барпо этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Сабзавот, мева ва полиз маҳсулотларини қайта ишлайдиган консерва заводининг қуввати тобора оширилиб борилмоқда. Бирлашмада ангор эчкилари кўпайтирилиб, мамлакатимизнинг барча ерларига шу ерда тайёрланган камёб тивит рўмоллари жўнатилмоқда.

Ушбу суратда бирлашма консерва заводининг участкаларидан бири тасвирланган. Унда ишчилар тайёр маҳсулотларнинг сифатини кўздан кечиришмоқда.

(ЎзТАГ).

СОВХОЗДА ЗАВОД ФИЛИАЛИ

Қуруқ мева ва майизга бўлган талаб-эҳтиёж тобора ошиб боряпти. Шуни ҳисобга олган ҳолда кўпгина жойларда мева ва узумни қайта ишлайдиган корхоналар барпо этилаяпти. 1980 йили Китоб районидаги «Паландара» совхозида Тўрақўрғон қуруқ мева заводининг филиали қурилиши бошлаб юборилганди. Бу ерда 60 минг сўмликдан зиёд қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, 60 минг квадрат метр қуритиш майдончалари текисланиб, асфальт қилинди. Қуруқ мева маҳсулотларини сақлаш учун омборхона қурилди.

Қишлоқда барпо этилган бу корхонага фақат «Паландара» совхозида эмас, балки Китоб районидаги барча хўжаликларда, шунингдек Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи районларидаги колхоз ҳамда совхозларда, кишлоқларнинг шахсий томорқаларида етиштирилган мева ва узум қабул қилиб олиниб, қайта ишланади. Бу — совхозларга ҳам, ўзларининг шахсий томорқаларида ноз-неъматлар етиштираётган миришкорларга ҳам катта қулайлик туғдиради.

— Шу йилнинг июнь ойида филиалимизнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди, — дейди биз билан суҳбатда совхоздаги корхонанинг бошлиғи Умрбоқи Раҳмонов. — Юбилей йилида 1200 тонна узум, шу жумладан 300 тонна кишмиш, 1000 тоннадан ортиқ мева қабул қилиб, уларни сифатли қайта ишлаш учун курашяпмиз. Ўн биринчи беш йилликнинг охиригача филиалимиз янада кенгайтирилиб, йирик корхонага айлантирилади. Бунинг учун келтирилган мева ва узумни қайта ишлашга ихтисослашган замонавий цех қурилиб, фойдаланишга топширилади. 30 тонналик катта тарози ўрнатилади. Ҳар бирида 1000 тоннадан ортиқ қуруқ мева маҳсулотлари сақланадиган учта омборхона қурилиб, ишга туширилади. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида маъқулланган СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан амалий жавоб берамиз.

Шу кунларда завод филиалида иш қизиган энг долзарб палла. Беполён боғларда, жанатмисол узумзорларда етиштирилган маҳсулотлар пешма-пеш бу ерга олиб келиниб, сифатли қайта ишланмоқда. Боғларга туташ бу корхона индустриянинг тоғлиқ зонага кириб келган қутлуғ одимидир.

И. АЗИЗОВ.

ШЕРОБОД МЎЪЖИЗАКОРЛАРИ

Сурхон воҳаси ўзининг халқ ҳунармандчилиги буюмлари билан тилга тушган. Хусусан, Шеробод кулолларининг довруғи ўзгача. Улар ясаган кўза ва ҳумлар, лаган ва сопол коса-пиёлалар, ёдгорлик буюмларига талаб ҳамиша юқори. Ҳозир ҳам бу ерда таниқли усталар меҳнат қилишмоқда. Жумладан, акаука —усталар Ҳамро ва Тўлабой Ашуровлар ана шундайлардандир. Шуниси қувончлики, эндиликда бу донгдор халқ ҳунармандларининг издошлари жуда кўп. Улар Шеробод керамика заводида меҳнат қилишмоқда. Бу корхонанинг ишга тушганлигига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, у эл назарига тушди. Ҳозир заводда 16 ҳил маҳсулот тайёрланяпти. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган сопол лаган, коса, тарелка, гултувак, кўза, ҳумчалар, совға буюмларига талаб тобора ошиб бораётир. Ўтган йилнинг сентябрь ойида корхонанинг икки ҳил маҳсулотига давлат «Сифат белгиси» берилди. Бундан руҳланган коллектив ишлаб чиқарилаётган буюмлар сифатини янада яхшилаш, турини кўпайтириш учун курашмоқда.

Шеробод тупроғи буюмлар ясаш учун жуда мос. Уни шаҳар яқинидаги чуқурликдан ташиб келтиришади. Мутахассислар бу тупроқни кулолчилик учун аъло материал деб ҳисоблашмоқда. Буюмларни пиширганда ундан ҳосил бўладиган табиий қизил ранг бошқа жойлардаги керамика заводларида тайёрланаётган сопол маҳсулотлардан кескин фарқ қилади.

Корхона бир неча бўлимдан иборат. Керамика цехининг Шерали Салимов бошлиқ 4 кишидан иборат тайёрловчилар бригадаси техника ёрдамида тупроқдан ҳомашё ҳозирлайди. Акбар Бобохўжаев, Баҳриддин Қўлдошевлар қолип тайёрлаш билан шуғулланишса, Шермат Худойқулов, Ҳайитгул Ҳожиева, Ҳалима Раимова, Ҳалима Қиличева, Майрам Камолиддиновалар коса, лаган, тарелка, гултувак, совға буюмлари ишлаб чиқаришади. Пардозлаш цехи усталари Адолат Хуррамова, Гулнора Тангирова, Саодат Баҳромова, Турсуной Жовлиевалар сопол идишларни силлиқлаб, пардоз беришади. Буюмлар икки марта пиширилади. Бу ишни Жалолиддин Аминов, Аҳмад Зоиров, Ҳусан Ҳусанов каби ишчилар амалга оширишади. Идишларни сирлаш эса Робия Бекмуродова, Қўзигул Саломова каби тажрибали опахонларга ишониб топширилган. Улар ўз ишларини сидқидилдан, сифатли қилиб бажаришмоқда.

Корхона коллективи маҳсулотлар турини кўпайтириш, уларнинг сифатини янада яхшилаш учун курашяпти. Завод рассомлари Шамсиддин Ғафуров, Абдумалик Абдураимов, Нурхон Валиев, Қудрат Асроровлар доим изланишда. Улар воҳа кулолчилиги ҳамда халқ амалий санъати анъаналаридан яхши хабардорлар. Айни вақтда Риштон, Хива ва республикамизнинг бошқа жойларидаги керамика заводларида ишлаб чиқарилаётган кулолчилик маҳсулотларининг гул ва нақшларини диққат билан кузатиб боришяпти. Кўпроқ Сурхон воҳаси халқ амалий санъати анъаналарига суянган ҳолда янги-янги гул ва нақшлар, идишлар ва совға буюмларининг янги хилларини яратишяпти.

Корхона ёш рассоми Қудрат Асроров изланувчан ва тиришқоқ ижодкорлардан. У ўзи яратган бир қанча идишлар, совға-ҳайкалчалар учун республика халқ амалий санъати конкурсининг лауреати бўлди. Қудрат идишлар ва ёдгорлик буюмларига бўёқ беришда воҳа халқ амалий санъати анъаналарига амал қилиш тарафдори. Унинг фикрича, қадимий Сурхон тупроғидан яратилган кулолчилик маҳсулотларига иссиқ табиатли воҳа шарпасидан келиб чиққан ҳолда, асосан, сариқ ва қизғиш ранг берилган. Заводда ҳам шундай қилиняпти. Шунинг учун ҳам бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар Европада ҳамда мамлакатимиз, республикамизнинг бошқа керамика заводларида ишлаб чиқарилаётган сопол идишлардан, ёдгорлик совға буюмларидан ажралиб туради. Яқиндагина корхона коллективи кулол ва рассомлар томонидан тайёрланган 6 хил янги маҳсулотни республика бадиий Советига ишлаб чиқариш учун тасдиққа юборди.

Шеробод керамика заводи Риштон, Хива, Китоб керамика корхоналари билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Завод мутахассислари Риштон ва Хивада бўлиб, ҳамкасбларининг ишлари билан яқиндан танишдилар. Ҳали ёш бўлган Китоб керамика заводи ходимлари Шерободга келиб, иш ўрганиб кетишди. Бундай алоқалар тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, турини кўпайтиришга ҳиссат қилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ва завод коллективи ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилганлиги учун ҳам корхонада ойлик ва квартал топшириқлари мунтазам суратда ортиғи билан бажариб келинмоқда. Завод меҳнатчилари ўтган саккиз ойда плангдаги 656 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Тайёрланаётган буюмларни реализация қилиш топшириқлари ҳам ортиғи билан уддаланди. Уларнинг бу йилги мажраси — 1 миллион 112 минг сўмлик иш бажаришдир.

Завод ишида камчиликлар ҳам бор. Бу ерда рассомларнинг қўнгилдагидек ижод ва меҳнат қилишлари учун махсус ҳоналар ажратиб берилмаган. Ҳанузгача печлар иссиқлигини ўлчайдиган асбоблар ўрнатилмаганлиги пиширилаётган маҳсулотлар сифатига анчагина таъсир кўрсатмоқда. Завод маъмурияти бу каби камчиликларни бартараф этса, ютуқлар янада кўпайган бўлур эди.

М. АЗИМОВ.

„Қишлоқ ҳақиқати"га жавоб берадилар

«САБАБЛАР ВА САБОҚЛАР»

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг 1-июль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Гулистон ёғ-экстракция заводини лойиҳалашда, қуришда, ускуналар ва механизмларни монтаж қилишда бир қатор камчилик ҳамда нуқсонларга йўл қўйилганлиги сабабли корхона ишга туширилганига икки йилдан ошган бўлишига қарамай лойиҳадаги қувватнинг бор-йўғи 50-60 процентя атрофида ишлаётганлиги танқид қилинганди. Шунингдек, завод малакали инженер-техник ходимлар билан таъминланмаганлиги, корхона учун уй-жой бинолари қуриш ниҳоятда секинлик билан олиб борилаётганлиги белгиланган план-топшириқларнинг сурункасига бажарилмай келишига сабаб бўлаётганлиги кўрсатилганди. Ушбу мақола юзасидан редакция қуйидаги жавобни олди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ:

«Сабаблар ва сабоқлар» мақоласи Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг коллегия йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Мақолада Гулистон ёғ-экстракция заводини лойиҳалаш, қуриш, ускуналарни монтаж қилиш ва фойдаланиш даврида йўл қўйилган камчилик ҳамда нуқсонлар тўғри кўрсатилганлиги эътироф этилди. Ана шу камчиликларга йўл қўйган министрлик, «Узпахтасаноатқурилиш» трести ҳамда «Узпахтасаноатмонтаж» трести ишларини текширишни ташкил этди.

Текширишлар натижасида қуйидагилар аниқланди.

Заводни лойиҳалашда ва қурилишда ишлатилган ускуналарнинг 30 процентдан кўпроғи ишлаб чиқарилмаган. Ишлаб чиқарилган ускуналарнинг ҳам кўпчилиги ишончсиз ишлаган. Масалан, ишлаб чиқарилган 1200 та электр моторнинг 400 тадан кўпроғи ишончсиз ишлаган. Ишончсиз ишловчи конденсаторлар ўрнига сув билан ишловчи янгилари ўрнатилди. Экстрактор конструкциясини такомиллаштириш ҳизмат қилувчи бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Заводни сув, электр энергияси ва технологик буғ билан тўхтовсиз равишда таъминлаб туриш масалалари ҳал қилинди.

Амалга оширилган дастлабки тадбирлар корхонанинг бирмунча яхши ишлашини таъминлаяпти. Ҳозирги пайтда корхона қувватидан 70 процентга етказиб фойдаланиляпти.

СССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг кўрсатмасига мувофиқ заводни пахта чигитини қайта ишлашга тайёрлаш мақсадида «Г-24» типидаги пресслаш агрегатларини монтаж қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Х. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрининг ўринбосари.

УРУҒЛИК ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мутахассис минбари

Республикамиз пахтакорлари учун масъулиятли давр — ҳосил йиғим-терими бошланди. Бу мавсум уруғчилик хўжаликлари учун янада масъулиятлироқдир. Чунки улар 1983 йил ҳосили учун юқори сифатли уруғлик материаллар тайёрлашга даъват этилгандирлар.

Уруғлик пахтани йиғиб-териб олиш кўп меҳнат талаб қиладиган иш. Аммо бу ишни техника зиммасига юклаш мумкин. 1978 йилдан буён «Ташсельмаш» заводи ишлаб чиқараётган ХВА-1,2 ва ХВБ-1,8 ярусли пахта териш машиналари бу вазифани уддалай олади.

Уруғлик пахта териш машинаси сериялаб ишлаб чиқарилаётган терим агрегатлари базасида йиғилган ва анча такомиллаштирилган. Бу машинанинг терим аппарати одатдагидан қабул камерасининг конструкцияси ва унинг жойлашуви билан фарқ қилади. Теришган пахта аппаратдан бункерга қисилган ҳаво ёрдамида етказиб берилади. Бу чигитнинг лат ейиши олдини олади.

Ярусли машина ғўзанинг пастки қисмидаги уруғлик пахтани ва юқори қисмидаги техник ҳом ашёни алоҳида-алоҳида териб олади. Бу ҳосилни алоҳида прицепларга бўшатиш, шунингдек уларни қабул пунктларига ҳам алоҳида ташишни йўлга қўйиш даркор.

Пахтани табақалаб терадиган машиналардан фойдаланаётган хўжаликларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, терим техникасидан тўғри фойдаланилган тақдирда ҳосил сифати қўлда териб олинганидан сира қолишмайди. Шу билан бирга ярусли пахта териш машиналари алоҳида эътибор беришни, далаларни теримга яхши тайёрлашни талаб қилади.

ХВА-1,2 ва ХВБ-1,8 ярусли пахта териш машиналарини ростлаш ва созлаш эксплуатация бўйича завод берган инструкцияларга оиноан амалга оширилади. Бу кўрсатмалар серияли ишлаб чиқарилаётган пахта териш машиналариникидан деярли фарқ қилмайди. Бироқ, ярусли пахта териш машиналарини ишга шайлаш жараёнида қуйидаги ҳолларга эътиборни қаратиш даркор.

Терилган пахтанинг аппаратдан бункерга нормал тушиши машинанинг пневмотранспорт системасига боғлиқдир. Қабул камераси ва трубопроводлар системасида пахтанинг тиқилиб қолмаслиги учун узатиш тасмаларининг таранглигини мунтазам текшириб туриш керак. Тасмалар бўшашиб кетган тақдирда махсус роликлар ёрдамида тортиб таранглаштирилади.

Вентиляторларнинг фильтр-қалпоқларини ҳар куни тозалаб туриш лозим. Қалпоқларсиз зиҳқор ишламаслик даркор. Чунки бу қалпоқлар бўлмаса, йирик хас-чўплар вентиляторга тушади ва трубопроводлар орқали қабул камерасига киради. Натижада дефлектор тўлиб қолади. Шунингдек, қабул камерасининг трубига ўрнатилган капрон дефлекторларнинг ҳолатини ҳам мунтазам кузатиб бориш даркор. Бу дефлекторлар ҳаво оқимининг текис тақсимланишини таъминлайди.

Шуни унутмаслик керакки, дефлекторни ўрнатиш биринчидан, албатта зарур бўлса, иккинчидан унинг ҳолатини мунтазам текшириб туриш даркор. У бузилиб қолгудай бўлса, ҳаво оқимини қабул камерасига тўғри бормайди.

Аппаратлар тўғри ўрнатилган тақдирдагина нормал ишлайди. Унинг ҳолати камера тубига ўрнатилган мосламалар ёрдамида тўғриланади.

Пневмотранспорт системасида зарур миқдорда ҳаво оқими бўлган тақдирда пахтани бункерга узатиш мумкин. Шу боисдан трубопроводлардан ҳавонинг чиқиб кетишига йўл қўймаслик даркор. Шунинг учун трубалар туташган жойни махсус материаллар билан герметизация қилиш зарур.

Чиқиш патрубкаларини тўғри ўрнатиш орқали трубопроводларнинг тўлиб қолиши оқибатида юз берадиган нобудгарчиликнинг олдини олиш мумкин. Уни бункер қопқоғидаги кириш туйнугига нисбатан шундай ростлаш керакки, патрубкаларнинг сўнгги кесими бункер қопқоғидаги чиқиш туйнугининг соябонига тўғри келсин. Уларнинг чети орасидаги кенглик 15 миллиметрдан ошмаслиги зарур.

Бункерни ағдариш механизмини синдириб қўймаслик мақсадида секцияларни навбат билан бўшатиш тартибига риоя қилиш керак. Энг аввал асосий секциядаги пахта бўшатилади. Кейин эса кичик бункердаги техник ҳом ашё ағдарилади.

Тайёрланаётган уруғлик пахта сифатини яхшилаш ва терим техникасидан юксак унум билан фойдаланиш мақсадида машиналар ишини группа усулида ташкил этиш тавсия этилади. Бундай ҳолларда терилган ҳом ашёни ташишни ташкил этиш, ҳисоб-китоб, техника хизмати кўрсатиш, механизаторларга зарур маданий-маиший шароитлар яратиш учун қулай имкониятлар вужудга келади.

Уруғлик пахта ҳосилини териб олишда иштирок этаётган механизаторлар меҳнатига ҳақ тўлашда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги тасдиқлаган иш нормалари ва меҳнатга ҳақ тўлаш системасидан фойдаланилади.

ХВА-1,2 ва ХВБ-1,8 машиналаридан уруғлик пахта териб бўлингач, техник ҳом ашёни териб олишда фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолларда улар ёрдамида терб олинган техник ҳом ашёни қабул пунктларига алоҳида топшириш керак.

Машинани пайкалларга олиб кириш ва ундан олиб чиқиш схемаларига қатъий риоя қилинганда пахта нобудгарчилигини минимум даражага келтириш мумкин. Бунинг учун шароитга қараб махсус ҳаракат схемаларини тузиш даркор. Уруғлик пахтани териш чоғида чигит қайси схемада экилганидан қатъий назар агрегат биринчи тезликда ишлатилиши зарур.

Машиналар бункери пайкал четига қўйилган прицепларга бўшатилади. Бунда уруғлик пахта алоҳида прицепларга, техник ҳом ашё эса алоҳида прицепларга ағдарилади.

Пахтани табақалаб терадиган машиналар уруғчиликка ихтисослаштирилган хўжалик деҳқонларининг меҳнатини енгиллаштиришга мўлжалланган техникадир. Бу техниканы муваффақиятли ишлатиш, агрегатлар кучидан тўла қувват билан фойдаланиш катта аҳамиятга молик иш ҳисобланади. Бу талабларнинг бажарилиши тайёрланадиган уруғликнинг сифатини ошириш, ярусли пахта териш машиналаридан самарали фойдаланиш имконини беради. Бу эса ҳосил йиғим-терининг муваффақиятли ўтказишнинг муҳим шартларидан биридир.

Б. ГОРН,
САИМЭ лабораториясининг раҳбари.



Бўка районидаги Тимирязев номли колхозда энг яхши теримчилар ҳақида гап боргудек бўлса, Ҳалима Раҳмонова номини дугоналари фахр билан тилга олишади. Кўпмингкилограммчи теримчилар ўртасидаги беллашувда ғолибликни қўлдан бермаётган бу чевар қиз ҳар куни 180—200 килограммдан «оқ олтин» териб, хирмонга барака киритяпти.

П. ЭРГАШЕВ фотоси.

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Қаршидаги «Ленин йўли» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шомат Алматов бригадаси далаларида «зангори кема»ларнинг капитанлари биринчи ўтишдаёқ гектар бошидан ўрта ҳисобда 34 центнердан хирмон кўтардилар. Қўрикдаги участкага шу йил учун ҳосилдорлик ана шундай мўлжалда планлаштирилган эди.

Тошкент технологиясини қўлланиш деҳқонларнинг муваффақиятга эришувларига ёрдам берди. Ҳосил тўпланишнинг барча резервларидан фойдаланилди. Масалан, сув таъминоти даврида ғўзалар далалар яқинида қазилган қудуқдан суғорилди. Пахтакорлар тупроқни ўргаиик ўғитлар билан тўйинтиришга, шарват усулида суғоришга кўп эътибор бердилар.

— Бизнинг маррамиз, — дейди Шомат Алматов, — олтмиш центнерли ҳосилдорликка эришишдан иборат. Сентябрь охирига бориб, йиғим-терими тугаллаймиз. Пахтанинг ҳаммасини фақат олий сортлар билан топширамиз.

(ЎзТАГ мухбири).



Серқуёш ўлкамизда яна катта шодиёналар давом этмоқда. «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали нафосат байрамига айланиб кетди. Бу фестивалга ҳар бир республиканинг талантли, довруғ тараттан санъаткорлари келишди. Тожикистон ССРдан келган бир гуруҳ истеъдодли санъатқорларга СССР халқ артисти Жўрабек Мўдов бошчилик қилмоқда.

СУРАТДА: Тожикистон санъаткорларидан бир группаси.

А. Тўраев фото.



(Бошн биринчи бетда).

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР САНЪАТИ БАЙРАМИ

ри ва ўзбек рақсининг аниқ мароми, украин қўшиқ ва куйи, қирғиз қўмизининг садоси, эстонларнинг маҳин оҳанги ва кавказча шўх «Лезгинка», қозоқлар дўмбирасининг жарангдор овози ва Белоруссия полесьесининг хор тароналари бир-бирига ҳамоҳанг янграмоқда. 10 сентябрь куни бу ерда кўп миллатли совет маданияти байрами, қардош халқлар маънавий яқинлиги ва бирлиги байрами — «Тошкент олтин кузи» фестивалининг очилиш маросими бўлди.

Ҳар бир совет кишиси учун дўстлик, қардошлик деган сўзлардан кўра қимматлироқ, яқинроқ сўз ва тушунчалар йўқ. Ҳозир, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида бу сўзлар янги куч олиб, айниқса ёркин нур билан ёритилгандек бўлмоқда. Фестивалдаги ҳар бир қўшиқ ва шеър, куй ва рақс интернационализмнинг бўлажак байрами, жонажон Коммунистик партия, КПСС XXVI съездининг улуғвор режаларини амалга ошираётган, коммунизм барпо этаётган қардош халқлар шарафига, бутун Советлар диёрининг меҳнаткашлари шарафига битилган илҳомбахш қасида сатри бўлиб қолади.

Ўзбекистон ССР Маданият министри З. Р. Раҳимбобоева фестивал қатнашчиларини табриклади.

Байрамсиз, томошабинлар билан, ҳаёт билан мулоқотсиз санъатни тасаввур қилиб бўлмайди. «Тошкент олтин кузи» фестивали айни шундай байрам бўлиб қолиши керак. Эндиликда ана шу фестивалда ҳар йили мамлакатимиз халқларининг куй ва тароналари, музика маданиятининг энг яхши асарларя янграйди.

Меҳмонларни кутиб олиш ҳамиша қувончлидир. Бунинг устига меҳмонлар машҳур ижрочилардан, таниқли бадиий коллективлардан иборат бўлиб, уларнинг санъати халқнинг қалбини, унинг бой дунёсини ифода этадиган, олис ўтмишга илдиз отган ва Совет ҳокимияти йиллари мобайнида мислсиз равнақ топган маданият ҳақида ҳикоя қилса, қувонча-қувонч қўшилади.

Сибирь Давлат Красноярск рақс ансамбли, Киев Давлат филармониясининг оркестри, Белоруссия халқ хори, Грузиянинг «Рустави» ансамбли, Молдавиядан келган меҳмон «Фольклор» оркестри, Латвия, Қирғизистон, Қозоғистондан келган артистлар, Ўзбекистон «Баҳор» ансамбли, таниқли бадиий коллективлар, машҳур санъат усталари шу кеча тошкентлик томошабинларга қузнинг бутун бой ранг-баранг бўёқларини ва ўзбек рақсининг аниқ мароми, украин қўшиқ ва куйи, қирғиз қўмизининг садоси, эстонларнинг маҳин оҳанги ва кавказча шўх «Лезгинка», қозоқлар дўмбирасининг жарангдор овози ва Белоруссия полесьесининг хор тароналари бир-бирига ҳамоҳанг янграмоқда. 10 сентябрь куни бу ерда кўп миллатли совет маданияти байрами, қардош халқлар маънавий яқинлиги ва бирлиги байрами — «Тошкент олтин кузи» фестивалининг очилиш маросими бўлди.

Ҳар бир совет кишиси учун дўстлик, қардошлик деган сўзлардан кўра қимматлироқ, яқинроқ сўз ва тушунчалар йўқ. Ҳозир, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида бу сўзлар янги куч олиб, айниқса ёркин нур билан ёритилгандек бўлмоқда. Фестивалдаги ҳар бир қўшиқ ва шеър, куй ва рақс интернационализмнинг бўлажак байрами, жонажон Коммунистик партия, КПСС XXVI съездининг улуғвор режаларини амалга ошираётган, коммунизм барпо этаётган қардош халқлар шарафига, бутун Советлар диёрининг меҳнаткашлари шарафига битилган илҳомбахш қасида сатри бўлиб қолади.

Ўзбекистон ССР Маданият министри З. Р. Раҳимбобоева фестивал қатнашчиларини табриклади.

Байрамсиз, томошабинлар билан, ҳаёт билан мулоқотсиз санъатни тасаввур қилиб бўлмайди. «Тошкент олтин кузи» фестивали айни шундай байрам бўлиб қолиши керак. Эндиликда ана шу фестивалда ҳар йили мамлакатимиз халқларининг куй ва тароналари, музика маданиятининг энг яхши асарларя янграйди.

Меҳмонларни кутиб олиш ҳамиша қувончлидир. Бунинг устига меҳмонлар машҳур ижрочилардан, таниқли бадиий коллективлардан иборат бўлиб, уларнинг санъати халқнинг қалбини, унинг бой дунёсини ифода этадиган, олис ўтмишга илдиз отган ва Совет ҳокимияти йиллари мобайнида мислсиз равнақ топган маданият ҳақида ҳикоя қилса, қувонча-қувонч қўшилади.

Сибирь Давлат Красноярск рақс ансамбли, Киев Давлат филармониясининг оркестри, Белоруссия халқ хори, Грузиянинг «Рустави» ансамбли, Молдавиядан келган меҳмон «Фольклор» оркестри, Латвия, Қирғизистон, Қозоғистондан келган артистлар, Ўзбекистон «Баҳор» ансамбли, таниқли бадиий коллективлар, машҳур санъат усталари шу кеча тошкентлик томошабинларга қузнинг бутун бой ранг-баранг бўёқларини ва ўзбек рақсининг аниқ мароми, украин қўшиқ ва куйи, қирғиз қўмизининг садоси, эстонларнинг маҳин оҳанги ва кавказча шўх «Лезгинка», қозоқлар дўмбирасининг жарангдор овози ва Белоруссия полесьесининг хор тароналари бир-бирига ҳамоҳанг янграмоқда. 10 сентябрь куни бу ерда кўп миллатли совет маданияти байрами, қардош халқлар маънавий яқинлиги ва бирлиги байрами — «Тошкент олтин кузи» фестивалининг очилиш маросими бўлди.

Ҳар бир совет кишиси учун дўстлик, қардошлик деган сўзлардан кўра қимматлироқ, яқинроқ сўз ва тушунчалар йўқ. Ҳозир, СССР ташкил этилганлигининг 60

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Д. ЖУМАБОЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари—Қорақалпоғистон АССР Давлат план комитетининг раиси ўртоқ Давлат Жумабоева «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 1982 йил 9 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитети область коммунал хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Турсун Қамбаровга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган коммунал-маиший хизмат ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, улар ўртасида сиёсий ва илмий билимларни тарқатишда актив қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правленияси раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Убайдулла Аббосович **Абдураззоқовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи** билан мукофотлади.

СПОРТ

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

ЎЛМАСОВАНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Европа чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери андижонлик Светлана Ўлмасова бу йилги мавсумда ниҳоятда яхши натижаларни кўрсатиб, республикамиз спорти шарафини муносиб равишда ҳимоя қилмоқда.

Светлана дастлаб Москвада ака-ука Знаменскийлар хотираси соврини учун 3 минг метрли масофага бўлган югуришда ўзини кўрсатди. У мазкур масофа марросига биринчи бўлиб етиб келиб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори погонасини банд этди. Сўнгра Украина пойтахтида ўтказилган мамлакат чемпионатида зафар қучди. Бунда 3 минг метрли масофага бўлган пойга ниҳоятда кескин ўтди. Олдинига москвалик А. Юшина дастлабки метрларда пешқадамликни қўлга киритди. Унинг ортидан эса молдавиялик С. Гуськова ва Ўлмасова қадамба-қадам тезликни ошириб боришди. Иккинчи даврада СССР терма командаси майкасидаги 129-номерли Светлана шунчалик гайрат билан олдинга интилдики, натижада рақиблари орасидаги фарқ кўзга ташланиб қолди.

Умуман, Ўлмасова масофани енгил, катта одимлар билан тугатди. Пировардида у 8 минут 26.78 секунд натижа билан жаҳон рекордини янгилади. Куни кеча эса Афинадаги (Грецил) янги Олимпиада стадионидан қувончли хушхабар келди. Бу ерда давом этаётган Европа чемпионатида республикамиз вакили яна бир бор зафар қучди. Светлана 3 минг метрли масофага бўлган югуришда жаҳоннинг энг кучли спотчиларидан бири эканлигини амалда исботлаб, марра чизигига биринчи бўлиб етиб келди. Бу билан у иккинчи маротаба Европа чемпиони деган юксак унвон соҳиби бўлди.

Европа чемпионатида мамлакатимиз енгил атлетикачиларидан биринчи бўлиб олтин медални Ольга Минеева қўлга киритди. У 800 метрли масофага бўлган пойгада энг яхши натижа кўрсатиб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори погонасига кўтарилди. Шуниси эътиборга лойиқки, мазкур масофага бўлган баҳсда кумуш медални ҳам совет спортчиси Людмила Веселкова қўлга киритди.

● ФУТБОЛ

БИРИНЧИ ЛИГАДА

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди.

Жиззахнинг «Звезда» командаси ўз майдонида Львовнинг СКА «Карпати» коллективини қабул қилди. Қизиқарли ўтган учрашув 1:1 ҳисобида тугади. Ўтган турда жиззахлик футболчилардан йирик ҳисобда (1:4) мағлубиятга учраган Кишиневнинг «Нистру» клуби эса Душанбада маҳаллий «Помир» коллективини енгди — 2:1.

Турдаги энг йирик ҳисоб Ярославлда қайд этилди. Бу ерда маҳаллий «Шинник» командаси Кировнинг «Динамо» футболчиларини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бошқа ўйинлар натижаси билан танишинг: — СКА (Ростов) — «Ротор» (Волгоград) — 1:1, «Гурня» (Ланчхути) — «Факел» (Воронеж) — 2:2, «Жальгирис» (Вильнюс) — «Спартак» (Кострома) — 3:0, СКА (Одесса) — «Заря» (Ворошиловград) — 1:1, «Металлург» (Запорожье) — СКА (Хабаровск) — 1:0, «Таврия» (Симферополь) —СКА (Киев) — 1:1, «Колос» (Никополь) — «Локомотив» (Москва) — 1:1, «Даугава» (Рига) — «Искра» (Смоленск) — 1:0.

ФОЗИЛ ИЎЛДОШ ЎҒЛИ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА

ҚЎШИҚ АЙТГАН ЕТАР МУРОДГА

Ўзбек халқ достончилиги оғзаки ижоднинг энг катта ва бадиий жозибадор жанрларидан бири бўлиб, халқимиз маънавий оламида алоҳида ўринга эга. Улуғ Октябрь инқилобидан кейинги қисқа давр ичида тўрт юзга яқин халқ достонлари хилма-хил вариантларда ёзиб олиндики, буларнинг энг яхши ва мукаммалларини ёзиб олишда машҳур халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғлининг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фозил Йўлдош ўғли 1872 йилда Самарқанд область Булунғур районининг (ҳозирги Жиззах область Бахмал райони) Лойқа қишлоғида кам бағал деҳқон оиласида туғилди. Шоирнинг ёшлиги оғир муҳтожлик ва қулфат билан ўтди. Эндигина беш ёшга киришда отаси вафот этди. Бу унга қаттиқ таъсир этади. Ўзининг ўша даврдаги жафоли ва хор-зорли ҳаётини кейинчалик шундай эслайди:

Олти ёшда қўмсаб-қўмсаб
отамни,
Оғир меҳнат эзди
шўрлик энамни,
Эна-бола тополмай
парча нонни,
Парча нон деб йиғлаб
ўтган кунларим.

Фозил шоир тахминан 20 ёшларигача Ғаллаорол районн атрофларида қаролликда, чўпонлик билан машғул бўлди. Кейин Лойқа қишлоғига қайтиб келиб, отасидан қолган чорак таноб ерда деҳқончилик қила бошлади. Бу вақтда Лойқа қишлоғида достончилик анъаналари гуркираб давом этаётган ва ўша даврнинг машҳур достончилари уч ака-ука — Йўлдош, Қўлдош ва Суяр бахшилар ҳаёт бўлиб, достончилигини ичлд давом эттирар эди. Фозил шоирдаги истеъдодни сезган Йўлдош шоир уни шогирд қилиб олади ва ўз қизига уйлантириб қўяди. 25—26 ёшларида Фозил шоир халқ орасида достон куйлаб, махсус синовдан ўтгач, мустақил достончи сифатида Булунғур, Жомбой, Ғаллаорол, Бахмал, Пайариқ, Жиззах атрофларида халқ дарди ва ғамини куйлаб юрди. Шоирнинг ўша даврларда яратган «Кунларим», «Қаҳатчилик», «Чигиритка» каби термалари халқ орасида машҳур бўлиб кетди. Ҳаттоки ўз даврининг машҳур бахшиларн ҳам бу термаларни ёд олиб, куйлаб юрдилар.

Чексиз муҳтожлик, дилни қон қилувчи қулфат халқнинг танасига зулукдек ёпишиб олган ва ўша даврда ундан қутилишнинг ҳеч бир иложи ҳам йўқ эди. Шу сабабли ҳам Фозил шоир:

Камбағалнинг ақли пошиб,
Ўғил—қизиман кенгашиб,
Кеча —кундуз зор
йиғлашиб,
Дўстлар қадди камон
бўлди,

деб куйлаганида халқ дардининг мунгли куйчиси сифатида намоён бўлса, «Кунларим» термасидаги:

Дўмбирам куйлади
менинг ҳолимни,
Мен жўр бўлиб сўздим
бойни—золимни,
Тондим, дўстлар шунда
дардкашларимни,
Ҳақ-ноҳақни куйлаб
чертган дўмбирам

мисраларида ўша даврнинг илғор ташвиқотчи ва тарғиботчиси сифатида майдонга чиқади.

Фозил шоирнинг ижодий репертуари ғоятда бой ва ранг-баранг эди. У 40 дан ортиқ халқ достонларини юксак бадиий баркамолликда куйлаш билан ўз даврининг бахшиларидан ажралиб турарди. Шоирдан ёзиб олинган «Алпомиш», «Ёдгор», «Муродхон», «Балогардон», «Рустамхон», «Ширин билан Шакар», «Маликаи Айёр», «Зулфизар», «Интизор», «Нурали», «Жаҳонгир», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом» каби анъанавий достонларнинг ҳилма-хил мундарижаси ва бадиий гўзаллиги фикримизнинг исботидир. Фозил Йўлдош ўғлининг «шоирлик бешлиги» (Ҳамид Олимжон) бўлган «Алпомиш» достони Булунғур достончилик мактабининг донғини оширишда энг фахрли ўрин тутади. Шу кунларгача «Алпомиш» достонининг 40 дан ортиқ варианти ёзиб олинган бўлсада, ҳеч бири Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинганига тенглашолмайди.

Фозил Йўлдош ўғли давр билан ҳамнафас ижодкор сифатида халқ достонларининг барқарор анъаналаридан баҳраманд бўлиб, замонавий достончиликка асос солди. Ундан ёзиб олинган ва бир неча марта чоп этилган «Маматкарим полвон», «Очилдов», «Жиззах қўзғолони», «Кунларим» каби достонлар бадиий баркамоллиги билангина эмас, балки замонавийлиги, даврнинг типик белгиларини ўзларида ёркин акс эттиришлари билан ҳам ўзбек совет фольклорида алоҳида аҳамиятга эга.

Улуғ Октябрь инқилобини зўр қувонч билан қутиб олган Фозил шоир Совет ҳокимияти йилларида янада баракали ижод қилди. Унинг «Октябрни қутлайман», «Сельмаш», «Текстилькомбинат» ,«Канал», «Армиям», «Ленин» каби асарлари ўзбек халқ оғзаки ижодидагина эмас, ўзбек совет адабиётида ҳам катта воқеа бўлди. «Ленин» термасида Фозил шоир жаҳон мазлумларига эрк ва озодлик йўлини кўрсатган доҳийга ўзининг самимий дил сўзларини ифодалашга ҳаракат қилиб, асарки шундай ёркин мисралар билан бошлайди:

Едимда ҳамиша сен падар
Ленин,
Сўзларинг кўнглимда
жон қадар Ленин.

Фозил Йўлдош ўғли мамлакатимизда амалга оширилаётган улуғ ишларга, муҳим ижтимоий-сиёсий ва маданий тадбирларга актив иштирок этади. Умрининг охиригача ўзи яшаган колхозда правление аъзоси сифатида халққа хизмат қилди. Фозил шоир илмий ташкилотларга бахши сифатида биринчилардан бўлиб танилгани учун (1922 йилда) ўз замондошлари бўлган машҳур халқ бахшилари — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкандлар тўғрисида хабар берди, уларни маълум даражада олға етаклаб, достонлар ёзиб олишни ташкиллаштирди. 1942 йилда Коммунистик партия сафига, 1940 йилда Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилинган Фозил шоирнинг бебаҳо хизматлари муносиб тақдирланди. Умрбодлик пенсия билан таъминланди, Ленин ордени ва қатор ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Фозил шоирдан ғоятда катта мерос қолди. Ўлаб анъанавий ва янги достонлар, термалар, бахшиларга ва достончиликка оид муҳим маълумотлар ёзиб олинди. Уларнинг бир қисми нашр этилган бўлса-да, ҳали кўпчилик қисми фольклор архивида ўз тадқиқотчиларини қутмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлими ходимлари томонидан тайёрланаётган Фозил Йўлдош ўғлининг 10 жилдлик тўла асарлар тўплами шоир юбилейига халқимиз томонидан уюштирилган туҳфа бўлади.

А. ТУРСУНҚУЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг катта илмий ходими.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ИСПАНИЯ: ДАРДИСА МУАММОЛАР ҚУЙҚАСИ

Кортес (Испания парламенти) тарқатиб юборилиб, муддатидан илгари парламент сайлови 28 октябрга тайинланганлиги тўғрисидаги хабар Испанияда ҳеч кимни таажжубландирмади. Кўпдан-кўп шундай бўлади, деб кутилган эди. Гап шундаки, франкизм барбод бўлганидан кейин Испанияда вужудга келган сиёсий ва партиявий структура дарз кетди. Аввало гап демократик марказ иттифоқи ҳукмрон партияси таназзулга учрағанлиги тўғрисида бормоқда. Бу партия ҳокимият синовига бардош бера олмади ва ички зиддиятлар машаққатлари остида парчалана бошлади, шу тариқа у ўзининг Испания олдида турган дардисар муаммоларни ҳал этишга қодир эмаслигини кўрсатди.

Ҳукумат халқаро майдонда кейинги вақтда тобора кўпроқ Қўшма Штатларга қараб иш тутиш сиёсатини ўтказди. Гарчи испанларнинг кўпчилиги қарши бўлса ҳам, ҳукумат мамлакатни НАТО гирдобига ташлади. Халқнинг дидига ёқмаган шу иш билан айни бир вақтда мисли-сиз ҳарбий тайёргарликлар авж олдириб юборилди, айта қуролланишнинг 5 йиллик программасини амалга оширишга киришилди. Ҳатто денгиз флотининг янги авианосеци сувга туширилди.

АҚШдан ўнлаб ўта замонавий «Ф-18А» ҳарбий самолётлар сотиб олишга қор қилинди, тик парвоз қиладиган «Харриер» қирувчи-бомбардимончи самолётлари, янги ракеталар, танк, кемалар ва сув ости кемари ҳарид қилишга ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳукумат АҚШ билан янги шартнома тузди, бу шартнома, жумладан Американинг Испания территориясидаги тўртта база статусини тартибга солди. Шартномада келгусида Испания ядро қуроли жойлаштирилишини ва у Америкнинг «тез ҳаракат қилуи қучлари» учун қўниб ўтиш пунктига айлантирилиши истисно қилмаслиги жамчиликни ташвишга солмоқ. Демократик марказ иттифоқи ҳукумати Испания диёридаги Британия мустамлакачилик империясининг қолдиғи — Гибралтарни Испанияга қайтариб олишга муваффақ бўла олмаганлиги ҳам ҳукумат ташқи сиёсий балансининг манфий жиҳати бўлди.

Марказчилар ҳукмронлигининг экономикадаги натижалари ҳам аянчлидир. 1979—1981 йилларда ялпи миллий маҳсулотнинг кўпайиши йилига бир процентга ҳам етмади. Нарх-наво кўтарилиб, пулнинг қадри тушиб бормоқда, ташқи қарз кўпаймоқда. Машинасозлик, кемасозлик, химия, металлургия синғари муҳим саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш қисқармоқда, бу эса ишчи хизматчиларнинг бўшатилишига олиб бормоқда. Расмий маълумотларга кўра, март ойининг охирига келиб, ортиқча кишилар армияси икки миллион кишидан, яъни меҳнатга лаёқатли аҳолининг 16 процентидан ошиб кетди. Деҳқонларнинг хўжаликлари хонавайрон бўлмоқда. Саноат жиҳатидан ривожланган областлар (Астурия, Басклар мамлакати ва Каталония) билан араб истилочилари замонларининг сарқитлар сақланиб келаётган бошқа райлар ўртасида ҳали жуда катта тафовут бор.

Ҳукмронликнинг мана шундай аянчли оқибатлари шароитида Л. Кальво Сотело бошчилигидаги социал-демократик марказ кабинети ва ҳукмрон партиянинг ўзи обрў-эътибордан тез маҳрум бўла бошлади. Галисия (ўтган йилнинг октябрн) ва Андалусия (шу йилнинг май ойи) вилоятларида автоном парламетларга ўтказилган сайлов натижалари шуни исботлаб турибди. Бу сайловларда социал-демократик марказ қақшатқич мағлубиятга учради. Бу эса партиядаги марказдан қочирма тенденцияларини тезлаштирди. Социал демократик марказ партиясининг қолдиқларидан тўртта янги сиёсий ташкилот тузилди.

Аввалига социал демократик марказдан собиқ юстиция министри Ф. Фернандес Ордоньес бошчилигидаги социал-демократик қанот ажралиб чиқиб, демократик ҳаракат партияси номи билан расмийлашди. Сўнгра христиан—демократик қабилидаги ўнг оқим социал-демократик марказдан чиқди ва андилинда сўл қучларга ўнглаб блокини қарама — қарши қўйиш марказида янги франкочиларнинг «халқ иттифоқи» билан сайлов олди шартномасини тузмоқда. Либераллар ҳам бу партиядан чиқиб кетдилар.

Бироқ партиянинг асосчиси ва ҳукуматнинг собиқ раиси А. Суареснинг уни тарк этганлиги марказчилар партиясига энг қаттиқ зарба бўлиб тушди. Унинг демократик ва социал марказ деб аталган янги ташкилоти ҳозир Испания социалистик ишчи партияси билан бирон-бир шаклда ҳамкорлик ўрнатишга мойил бўлиб турибди.

Мана шу воқеалардан кейин социал-демократик марказ кортесдаги ўз депутатларининг тахминан тўртдан бир қисмидан маҳрум бўлиб, шу тариқа қатъий кўпчиликка ва парламент орқали қонун лойиҳаларини ўтказиш имкониятига эга бўлмай қолди. Мана шундай сиёсий шароитларда социал демократик марказнинг раҳбарлари муддатидан илгари сайлов ўтказишга қарор бердилар. Уларнинг фикрича, бу сайлов уларнинг ҳокимият тепасида қолишига ёрдам бериши керак. Марказчилар 28 октябрь куни испанлар сайлов участкаларига боргуларича ажралиб чиққан ташкилотлар ташкилий жиҳатдан расмийлашишга ва ўз сафларини жипслаштиришга улгура олмайдилар, деб умид қилишмоқда. Ҳукмрон партия сайлов кунини тасодифан танлаб олгани йўқ: октябрнинг охирида Рим папаси визит билан Испанияга келади. Испания каби ғирт католик мамлакатда бу нарса сайловчиларга муайян ташвиқотчилик таъсирини ўтказиши мумкин.

Сайлов натижаси ҳусусидаги тахминларга келганда, ҳамма яқдиллик билан Испания социалистик ишчи партияси ғолиб чиқади деб ҳисобламоқда. Социалистик партиянинг раҳбарлари эса ҳокимият тепасига чиқиш муддаоларини яширмаяптилар. Улар социал демократик марказ ҳукуматининг экономикадаги турғунликни, пулнинг қадрсизланишини, ишсизликнинг кучайишини тўхтатишга, террорчиларнинг ҳуруҳлари ва фашист фитначиларнинг киришларини пайини киришга қодир эмаслигини танқид қилмоқдалар. Бироқ уларнинг программаси мўътадиллиги билан ажралиб турибди. Матбуот социалистларнинг сиполигини сўл ҳукумат тузиш истиқболидан чўчиган жуда нуфузли ўнг доираллар, аввало генераллар ва корхона эгалари сиёсий ҳаётга аралашиш учун баҳона топиб қолмасинлар, деган андиша борлиги билан изоҳламоқда. Реакциянинг бош кўтариш хавфи реал нарса бўлганлиги учун уни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Испаниядаги кўп кишилар ўтган йили ҳарбий исён кўтаришга қилинган уринишни ўта ўнг кучларнинг янада жиддий ҳаракат қилишлари учун бош репетиция деб ҳисоблаётганликлари бежиз эмас.

Мамлакатдаги сайловолди жанглари мураккаб, кескин вазиятда авж олиб бормоқда.

Н. ЕРМАКОВ.



Исроилнинг Америка Қўшма Штатлари сиёсий, дипломатик ва иқтисодий ёрдамида Ливанга қилган қуролли агрессияси кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ўлими ва ҳисобсиз вайронагарчиликларга сабаб бўлди.

СУРАТДА: Исроил босқинчилари томонидан вайрон этилган Ғарбий Байрут кўчаларидан бирида.

Г. Надеждин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ОММАВИЙ ИШСИЗЛИК

САН-ФРАНЦИСКО. Америкаликларнинг кўпчилиги АҚШ граждапларининг деярли ўндан бир қисмига таалуқли бўлган ишсизлик учун Рейган маъмурияти жавобгардир, деб ҳисоблайди. Энг катта саноат штати Калифорнияда ўтказилган жамоатчилик фикрини сўраб чиқиш кампанияси ана шундан далолат беради. Бу кампания натижалари «Сан-Франциско кроника» газетасида эълон қилинган.

Сўраб чиқилган кишиларнинг қарийб 60 процснти ялпи ишсизлик Вашингтоннинг қуролланиш пойгасига, энг аввало ядровий қуролланишга қаратилган сиёсатининг бевосита натижасидир, деди. Ҳарбий бюджет доимо социал программалар учун ажратиладиган давлат маблағини қисқартириш эвазига оширилмоқда. Бу эса миллионлаб америкаликларнинг аҳволини янада оғирлаштиради.

АҚШнинг майда миллат вакиллари олдида айниқса кескин проблемалар турибди. Сўнгги расмий маълумотларга кўра, негрларнинг деярли бешдан бир қисми меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум, қора танли ёшлар ўртасида ишсизлик 50 процентдан ҳам ошиб кетган.

БЎРОНЛАР, ТОШҚИНЛАР

РИМ. Апеннинг ярим ороли бирданига совиб кетди. Шимолда ҳам, жанубда ҳам қаттиқ шамол бўлиб кўп ёмғир ёғди. Италиянинг марказий областида ҳақиқий бўрон бўлди. Шамол дов-дарахтларни, реклама шчитларини, томлардаги телевизион антенналарни ерга қулатарди. Болонья шаҳридан сал нарида яшин гидроэлектростанцияда катта ёнғин чиқарди.

Дўл аралаш ёққан шарос ёмғир Тоскана области қишлоқ хўжалиги учун ҳақиқий офат бўлди. Бир қанча районларда узум ҳосилининг анча қисми яроқсиз ҳолга келди, зайтунзорлар пайҳон бўлди. Қишлоқ хўжалигига етказилган зарар бир неча миллиард лирага боради. Пожибонсида (Сиена вилояти) бир аёл дўл остида қолиб, жиддий жароҳатланди. Айрим дўл доналарининг вазни 350 граммгача борарди.

Абруцци областида об-ҳавонинг бузилиши натижасида электр энергияси таъминотида узилишлар бўлди. Местре шаҳрида бўлган тошқин натижасида кўчаларни, подвалларни ва ҳатто бинолариннг биринчи қаватларини сув босди.

САН-ФРАНЦИСКО. Аляскада қаттиқ зилзила бўлди. АҚШ геология бошқармасининг маълумотларига кўра ер ости силкинишининг қувати рихтер шкаласи бўйича 5.5 баллга етди. Зилзила маркази Кадьяк шаҳридан 12 километр жанубн —шарқда эди.

ТОКИО. Япониядаги Хоккайдо оролининг жанубн — шарқий районларида зилзила бўлди. Немуро шаҳридаги ер ости силкинишлари кучи Японияда қабул қилинган етти балли шкалага мувофиқ икки баллга етди. Зилзила ўчоғи Хоккайдо соҳилларн ёнида океан юзидан 40 километр чуқурликда бўлди.

Япониядаги Канто текислигининг катта қисмида зилзила бўлди. Японияда қабул қилинган етти балли шкалага мувофиқ Тиба префектурасида 3 балл, Токио ва Йокогамада 2 балл куч билан ер оти силкинишлари бўлиб ўтди.

АДДИС-АБЕБА. Эфиопиянинг бир қанча шимолий, шарқий ва жанубий районларида қурғоқчилик хавфи бор. Расмий маълумотларга кўра, Эритрея, Харарге, Бале ва Сидамо вилоятларида ёғингарчилик ғоятда кам бўлмоқда. Ҳолбуки бутун мамлакатда ҳали катта ёмғир мавсуми тугагани йўқ. Ёғингарчилик ўз бўлганлиги натижасида шу вилоятларда ҳозирнинг ўзидаёқ буғдой, маккажўхори ва бошқа донли экин майдонларига каттагина зарар етди. Дастлабки чамаларга кўра, табиий офат тўрт миллиондан кўп деҳқон ва кўчманчи чорвадорга зиён етказади.

Ҳукумат қишлоқ аҳолисига ёрдам кўрсатиш учун шошилинч чораларни кўриб, яқин фурсатда бу жойларга 600 минг тонна чамаси озиқ-овқат юборади. Яқинда фалокат юз берган районларга келган БМТ махсус комиссияси рўй берган аҳвол ниҳоятда жиддийлигини қайд этди ва қурғоқчилик оқибатларини бартараф этиш учун Эфиопияга шошилинч халқаро ёрдам кўрсатиш зарурлигини таъкидлади.

ЛУСАКА. Жанубий Африкадаги Дурбан шаҳрининг Луиса-Бота аэропортида бензин омборига яшин тушиб, ёниб кетди. Аланга 15 метргача баландликка кўтарилди. Аэропорт бинои ва иморатларга жиддий зарар етказилди. минглаб литр ёнилғи ёниб кетди.

(ТАСС).

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

13 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг РСФСР халқ артисти Н. Н. Кутузов раҳбарлигидаги рус қўшиқлари академик хори О. Ковалёва қўшиқларини ижро этади.
10.15 «Фақат иккимиз». Бадиий фильм.
11.35 «Киносаёҳатчилар клуби».
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Шаҳарлар ҳақида ҳужжатли фильмлар программаси.
16.20 П. И. Чайковский. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт.
16.55 «Химия-82». Халқаро кўргазмадан репортаж.
17.15 «Оналар мактаби».
17.45 «РСФСР халқ артисти Г. Васильев куйлайди». Фильм-концерт.
18.00 «Партия планлари —халқ планлари». Белгород «Энергомаш» заводининг Озиқ-овқат программасини ҳал қилишдаги ҳиссаси.
18.30 Футбол шарҳи.
19.00 Нижневартовск шаҳар нефтчилар бадиий коллективларининг концерти.
19.30 «Экранда — кинокомедия». «Кубань казаклари». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Ёшлар адреслари».
23.00 «Дунё воқеалари».
Спорт программаси
23.15 Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. Грецияда олиб кўрсатилади.
24.00 Классик кураш бўйича жаҳон чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади.

● МТ II

Профилактика муносабати билан 13 сентябрь, душанба куни Марказий телевидениенинг II программасида кўрсатувлар намойиш қилинмайди.

● УзТВ I

10.15 Кўрсатувлар программаси.
10.20 Табиатшунослик. Биз табиат билан танишамиз.
10.40 «Бу Оршада содир бўлган эди». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.30 Табиатшунослик. Биз табиат билан танишамиз [рус.].
11.50 «Ёқимтой жаноб Р...» Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильм. «Туманний оролнинг қалдирғоч».
18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
19.30 «Ахборот» [рус.]
19.45 «Қасос». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси [«Узбектелефильм»].
20.05 «Айгулаш». Фильм-концерт.
20.30 «Ахборот».
20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «50-парвоз ёшн». Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 50 йиллигига.
23.50 Янгиликлар.

СЕШАНБА

14 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.30 «Қулоқсизлар байрами». Мультфильм.
10.30 «Экранда — кинокомедия». «Кубань казаклари». Бадиий фильм.
12.30 М. Глинка. Катта секстет.
12.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 Кинопрограмма:
«Биродарлар».
«Анна Аверннинг оддий иш кунлари».
«БАМ бўйлаб поездлар боради».
16.05 «Рус тили».
16.35 Буратино кўргазмаси».
17.05 «Буюк жасорат». Илмий-оммабоп фильм.
17.25 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс қатнашчиси пианиночи Рита Кинка чалади [ЮСФР].
17.50 «Стадион ҳамма учун».
18.20 «Экономика тежамли бўлиши керак». Пенза области автомобилчиларининг ҳосил ўрим-йиғимидаги иш тажрибаси ҳақида.
18.30 «Инсон ва қонун».
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Л. Минкуснинг «Дон Кихот» балетидан гран па. СССР халқ артистлари Е. Максимова ва В. Васильев ижросида.
19.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «ЯГОНА ОИЛАДА». ЭСТОНИЯ ССР. Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно сўзи.
«Совет Эстонияси». Ҳужжатли фильм премьераси.
«Дўстларнинг нурафшон даврасида». Фильм-концерт премьераси.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Спартак» [Москва] — «Арсенал» [Англия]. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.
23.45 Гитарачи Отто де ла Роча концерти [Никарагуа].

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Жануб» операцияси». Телевизион ҳужжатли фильм. «Қишлоқ қиссалари» туркумидан. 1-фильм.
19.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали.
20.10 «Духовой оркестр чалади». Телевизион кўрик-конкурс.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Доктор Боткин». Илмий-оммабоп фильм.
21.00 УССРда хизмат кўрсатган «Запорожец» ҳаваскорлик рақс ансамблининг чиқиши. Запорожьедан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.00 «Тугалланмаган дарс». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Кўзойнак тақкан бола». Болалар учун телевизион бадиий фильм [рус.].
12.15 Ҳужжатли фильм.
12.30 Рус адабиёти. Горький ва Узбекистон [рус.].
13.00 «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қоплон учун уй». Мультфильм.
18.15 Болалар учун концерт [такрорий].
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби».
19.30 «Ахборот» [рус].
19.45 «Спорт, спорт, спорт».
Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатиладн. Танаффус пайтида [22.45] — «Дунё воқеалари».
23.45 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қуёш саховати». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.00 «Спорт ҳафталиги».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.00 «Ер планетасидаги одам». Бадиий фильм.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Қойилмақом Фердинанд». Телевизион бадиий фильм.
12.30 Адабиёт. Улуғ Ватан уруши йилларида совет адабиёти.
13.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильмлар: «Сепкилвой изқувар», «Урмон эртаклари».
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Шоирлар — болаларга».
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — қувасойликлар» [рус.].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 Адабий альманах.
20.30 «Ахборот».
20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист И. Бўронов ва З. Суюнова концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Хирмонингизга барака».
22.20 Телевиденне экранида биринчи марта. «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия.
23.35 Янгиликлар.

ЧОРШАНБА

15 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Бир қоп олма», «Хўтикча қандай қилиб бахтини излади», «Комар Комарович ҳақида эртак». Мультфильмлар.
10.20 «Ер планетасидаги одам». Бадиий фильм.
11.50 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик —ҳар биримизнинг ишимиз». «Нима экснанг, шуни оласан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
16.10 Совет тасвирий санъатида тарихий-революцион мавзу.
16.40 «Горнчнлар, қаердасиз!»
17.25 «Объектив».
18.00 Халқ куйлари.
18.15 М. Танк поэзияси.
18.50 «Мушук — балиқ овловчи», «Митти эртаклар». Мультфильмлар.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Рус Шимолининг қўшиқлари».
20.00 «Муаммолар — изланишлар — ечимлар». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Динамо» [Тбилиси] — «Наполи» [Италия]. 2-тайм. Тбилисидан олиб кўрсатиладн.
22.45 «Дунё воқеалари».
23.00 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. 1/16 финал. «Торпедо» [Москва] — «Бавария» [ГФР]. 2-тайм. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.
23.45 Гитарачи Отто де ла Роча концерти [Никарагуа].

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Жануб» операцияси». Телевизион ҳужжатли фильм. «Қишлоқ қиссалари» туркумидан. 1-фильм.
19.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали.
20.10 «Духовой оркестр чалади». Телевизион кўрик-конкурс.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Доктор Боткин». Илмий-оммабоп фильм.
21.00 УССРда хизмат кўрсатган «Запорожец» ҳаваскорлик рақс ансамблининг чиқиши. Запорожьедан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.00 «Тугалланмаган дарс». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Кўзойнак тақкан бола». Болалар учун телевизион бадиий фильм [рус.].
12.15 Ҳужжатли фильм.
12.30 Рус адабиёти. Горький ва Узбекистон [рус.].
13.00 «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қоплон учун уй». Мультфильм.
18.15 Болалар учун концерт [такрорий].
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби».
19.30 «Ахборот» [рус].
19.45 «Спорт, спорт, спорт».
Кинопрограмма.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ленин берган саодат». Музикали адабий композиция.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 Телевиденне экранида биринчи марта. «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 2-серия.
23.30 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА

16 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Горнчилар, қаердасиз!»
10.25 «Тугалланмаган дарс». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.30 «Калуга билан учрашув». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.50 Волга Давлат рус халқ хорнинг концерти.
12.35 «Кукрниккслар». Ҳужжатли фильм.
13.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Дўстлар экрани». Ҳужжатли фильмлар программаси.
16.15 Стол тенниси бўйнча Европа лигаси биринчилиги. СССР — Италия терма командалари.
16.55 «Барокко» камер ансамбли чаладн.
17.10 «Мексика бўйлаб». Кинопрограмма.
17.45 «Ватан қуёши остида».
18.30 «Фан оламида».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Духовой оркестр чапади». Телевизион кўрик-конкурс.
20.00 Футбол бўйнча Европа чемпионларининг кубоги. 1/16 финал. «Грассхопперс» [Швейцария] — «Динамо» [Киев]. Швейцариядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 Телевизион музикали фильм.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 «Москва бўйлаб саёҳат. Горький кўчаси». Телевизион ҳужжатли фильм.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Тепаликдаги уй». Телевизион ҳужжатли фильм. «Қишлоқ қиссалари» туркумидан. 2-фильм.
19.55 «Биргаликда аҳил оиламиз».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.05 «Тугалланмаган дарс». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Қишлоқ келинлари». Ҳужжатли фильм.
12.00 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали-ўқув кўрсатуви [такрорий].
12.30 Зоология. Бўғимоёқлилар туркуми.
13.00 «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Ёшларнинг III Бутуниттифоқ спорт ўйинларида Узбекистон делегацияси чиқишларининг якунларига бағишланган спорт байрами. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж.
19.00 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми олдидан. «Фан уфқлари».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ягона оилада». Кўрсатувда Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Б. Боймиров иштирок этади.
20.30 «Ахборот».
20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулшод Отабоева концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 «Отасизлик». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

ЖУМА

17 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Болгария болалар бадиий коллективларининг чиқиши.
10.25 «Тугалланмаган дарс». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
11.25 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Наседкин чаладн.
11.55 «В. Дуров номли жониворлар театрида».
12.40 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар».
13.00 «Спорт — менинг муҳаббатим». Концерт.
13.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Агостиньо Нето. Кураш поэзияси». Ҳужжатли фильм.
15.50 «Қадрдон ўлкамда». Фильм-концерт.
16.00 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
17.00 Икки марта Қизил Байроқли А. А. Александров номли Совет Армияси ашула ва рақс ансамблининг концерти.
17.30 Шахмат мактаби.
18.00 «Биз БАМни қурялмиз».
18,30 «Халқ ижоди».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Режиссёр». СССР халқ артисти, М. Авезов номли Қозоқ академик драма театрининг Бош режиссёри А. Мамбетов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
20.00 В. Март. Ре мажор сонатаси.
20.15 «Бизнинг болаларимиз». Кинолавка.
20.20 «Имзо» Телевизион бадиий фильм. серия.
21.30 «Время».
22.00 «Имзо» Телевизион бадиий фильм. серия.
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 Х. Иглнас концерти [Испания].

● МТ II

18.30 Янгиллар.
18.50 «Болардан кўнгил тўқ бўлсин». Авиая Маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ленин муфотининг лауреати Е. Я. Савкий билан суҳбат.
19.20 «Д. Шостаковичнинг учта прелюдияси». Фильм-концерт.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сўз — чет эллик ёзувчиларга».
21.10 П. Чайковский номли VII Халқаро онкурс лауреати В. Муллова чаяи [скрипка].
21.30 «Время».
22.00 Л. Бетховен. 5-симфония.
22.35 Хоккей бўйнча СССР чемпионати. ЦСК — «Торпедо». 2- ва 3-давр. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатиладн.

(УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Руҳадабиёти. Пушкин ва Узбекистон
12.00 «Улуғ океанлар кутмоқда». Телезион фильм.
12.30 «Ссизлик». Бадиий фильм.

* *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болар учун. «Мен, сен ва мультик».
18.40 «Ин болаликдан бошланади» [ру
19.10 «ССнинг 60 йиллигига — 60 зарб ҳафта». Тошкент 1-уйсозлик мбинатидан репортаж.
19.30 «Ахбот» [рус.].
19.45 «Ци Цирк! Цирк!»
20.30 «Ахбот».
20.50 Узб куйларидан концерт.
21.30 Мос «Время».
22.00 «Дунёқеалари».
22.30 Тенденне экранида биринчи ма «Якшанба тун». Бадиий фил
00.05 Янгилар.

ШАНБА

18 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Вре».
9.35 «АГДенка».
10.05 «Ертлотонинг 38-тиражи.
10.15 «Идор Трофимович ва бошқалар» 5-кўрсатув.
10.50 «Ран дўстларни чорлайди». ССР — БХР.
11.35 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун».
12.05 Илломмабоп фильм.
12.15 «Поэ». Евг. Винокуров.
13.10 «Мулстида дуэт». Ҳужжатли фильм премьераси.
13.30 Урм ходимлари кунига бағишлан телевизион очерк.
14.00 «Кич ер хотираси». Новороссийскд репортаж.
14.15 Мос ҳарбий округи ашула ва ра ансамблининг концерти.
15.00 «Дунёқеалари».
15.15 Болар учун фильм. «Ганделупа ламакатининг маркаси».
16.20 «Ҳайвот оламида».
17.20 Сиёҳ шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
17.50 Мультфильмлар программаси.
18.20 «19 йил қўшиқлари».
19.00 Тинчини сақлаш Совет комитетини раиси Ю. А. Жуков суҳбати.
19.45 «Ч қалбдан».
21.30 «Вря».
22.05 Қиев Съездлар саройида ъат усталарининг концерти.
23.05 «Мэй ва кўргазма заллари бўйл».
23.50 Азахань қўриқхонаси ҳақида левизион ҳужжатли фильм.
00.20 Янгиклар.

● МТ II

13.40 «Қуюқ стартлар».
14.25 «Киносаёҳатчилар клуби».
15.20 М. рький. «Васса Железнова». СР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.
17.05 Хаҳро обзор.
17.20 «Мчкали киоск».
17.50 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Знинг биография». «1962 йил».
18.50 «Сэм, мен холангиз бўламан». левизион бадиий фильм.
20.30 «Кингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здровье» илмий-оммабоп программаси.
21.30 «Вря».
22.05 левизион ҳужжатли фильм премраси.
22.15 Ҳкей бўйнча СССР чемпионати «Спартак» — «Динамо» [Моск]. В. И. Ленин номли Марказий адионнинг Спорт саройидан об кўрсатилади.

● УзТВ I

9.55 Кўртувлар программаси.
10.00 Янгиклар.
10.10 Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар».
10.30 «Эрта тонг». Бадиий фильм.
12.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
13.05 Шахмат мактаби.
13.35 Х. Ниёзий. «Бой ила хизматчи». Жиззах Узбек Давлат драма театрининг спектакли.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун. «Мультипанорама».
18.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Баҳс». Ёшлар учун ахлоқий-этик мавзуда кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!» Қорақалпоғистон АССР ва Узбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Наманган области.
21.30 Москва. «Время».
22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!» Экранда — Наманган области [давоми]. Кўрсатув тугагач — кўрсатувлар программаси.

ЯКШАНБА

19 СЕНТЯБРЬ

ЎРМОН ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шимолий Осетия АССР «Алан» Давлат рақс ансамблининг концерти.
10.25 «Будильник».
10.55 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.55 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
12.40 «Сатурнлар»нинг қайтиши». Ҳужжатли фильм.
13.00 «Тонгги почта» музикали программаси.
13.30 «Қишлоқ янгиликлари».
14.30 «Музикали киоск».
15.00 «Усмликлар дунёси».
15.45 «Жаҳон халқларининг ижоди» [Ҳиндистон].
16.15 Оғир атлетика бўйнча жаҳон чемпионати.
17.00 «Киносаёҳатчилар клуби».
18.00 «Бугун — Ўрмон ходимлари куни». СССР Ўрмон хўжалиги Давлат комитетининг раиси Г. И. Боробьев билан суҳбат.
18.15 «Табрикларимизни қабул этинг». Ўрмон ходимлари кунига бағишланган музикали программа.
19.00 «Халқаро панорама».
19.45 «Опера билан учрашув». Ж. Бизе. «Кармен». ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли.
21.30 «Время».
22.00 «Кармен» операсининг давоми.
23.15 А. С. Пушкин шеърларини СССР халқ артисти О. Ефремов ўқийди.
23.55 Янгиликлар.

● МТ II

13.55 Белоруссия Давлат консерваторияси цимбалчилар ансамблининг концерти.
14.20 «Инжиқ малика», «Пушти томоқ». Мультфильмлар.
15.00 Болгар халқ куйларидан концерт.
15.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
16.20 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.50 «Жаноб олийларининг адъютанти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
18.00 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1963 йил».
19.00 Футбол бўйнча СССР чемпионати. «Пахтакор» —«Спартак». Тошкентдан олиб кўрсатилади.
20.45 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
21.00 «Усталар». РСФСР декоратив-амалий санъати.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйнча СССР чемпионати. «Кубань» — «Динамо» [Минск]. Краснодардан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Телевиденне экранида биринчи марта. «Нозик-ниқол малика». Бадиий фильм.
11.35 Кичкинтойлар учун. «Ўйлаб топ» [рус.].
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
13.00 «Узбекистон спорти».
14.00 «Дўстлар учрашганда». Фильм-концерт.
14.40 Киноредакция почтасидан.
15.25 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильмлар: «Синюшканинг қудуғи», «Саккиз оёқлилар».
18.30 «Бугун — Ўрмон ходимлари куни».
19.00 Футбол бўйнча СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Спартак» [Москва]. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» [рус.].
20.45 «Ахборот».
21.05 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Қиёмат қарз». Ҳамза номли Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Бош ролда — СССР халқ артисти Шукур Бурхонов. Кўрсатув тугагач — кўрсатувлар программаси.

Реклама ва эълонлар

ЭЛЕКТРДАН

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!


Электр ҳаётимизга пухта сингиб кетган. Электркамнлар, холодильниклар аллақачон инсоннинг саховатли ва одатдаги ёрдамчилари бўлиб қолган. Биз электрга шунчалик ўрганиб кетганимизки, баъзи пайтларда у билан эътиборсиз, эҳтиёт бўлмасдан муомала қилишимиз хавфли эканлигини унутиб қўямиз.

Турмушда ишлатиладиган электр қуввати юқори босимли бўлиб, ҳаёт учун хавфлидир.

Ҳамма нарсага қизиқаверадиган, ўйинқароқ бола розетка, симлар, электр асбобларини ўйнаб кўришга ҳаракат қилади. Агарда хонадонда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаса, бахтсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин.

Уйдаги барча штепселларни шундай ўрнатиш лозимки, болаларнинг қўли тегмайдиган бўлсин. Бунинг учун штепселлар олди мебель билан тўсилади, пластик қопқоқ билан бутунлай беркитилади, агарда штепселлар тез-тез ишлатиб турилади ган бўлса, эгилувчан изоляция материалидан ҳимоя штифтлари ёки изоляция лентаси ёпиштириш мумкин. Керак бўлганда буларни кўчириб олиш осон. Барча бузилган штепселларни дарҳол тузатиш ёки ташлаб юбориш лозим.

Электр хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаса, телевизор ҳам электр жароҳат манбаи бўлиши мумкин. Телевизорни радиаторлар ва иситиш қувурларидан нарироққа ўрнатиш керак.



УЙ-РЎЗҒОРДАГИ ҲАР ҚАНДАЙ ЭЛЕКТР ТЕХНИКАСИ ОҚИЛОНА, ЭҲТИЁТЛИК БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ.

Электр кучланиш босимида бўлган электр лампаларини алмаштириш, виключателлар, штепсель розеткалари, қўнғироқ, электр плиткалар, симларни ремонт қилиш;

қопқоғи синган виключателлар, штепсель розеткалари, вилкалар ва қўнғироқ тугмачаси, шунингдек сими очилиб қолган шнурли электр асбобларини ишлатиш;

электр асбобларини ушлаб турган ҳолда ерга тегиб турган темир қувурлар, иситиш батареялари, металли конструкцияларга қўл текказиш;

ҳаводан ўтказилган осилиб ёки узилиб қолган электр узатиш, радио — трансляция ва алоқа симларига қўл текказиш;

ерда узилиб ётган электр сими олдига камида 8 метр масофада яқин бориш;

ТАЪҚИҚЛАНАДИ

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ ҲАЁТ УЧУН ХАВФ ТУҒДИРАДИ!

Ҳаво линиялари, устунлари ва трансформатор подстанцияларига тармашиш, уларга нарвонлар ва бошқа буюмлар ўрнатиш;

подстанциялар тўсигидан ўтиш ва ичкарисига кириш;

шчитлар эшигини очиш;

ҳаво линиялари симларига арқон, ип, сим ташлаш ва улар атрофида варрак учириш;

ҳаво электр узатиш линиялари ва подстанциялар атрофида ўйнаш;

агарда ён-атрофидан электр узатиш линиялари ўтказилган уйлар ва иншоотлар томига, шунингдек дарахтларга чиқиш.

ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГИЗ!

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИДАН ФАҚАТ ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИЛГАНИДА ЭЛЕКТР ТОКИ ХАВФСИЗДИР!

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

«ҚИШЛОҚ ҲАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-28. Қишлоқ қурилиши бўлим— 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери —2-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 07415. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1111. 14